2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 118 (1179), 2024 йил 15 июнь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

# ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ САЛОҲИЯТЛИ ЯНГИ ДАВРИ ЎЗАРО ИШОНЧ, ДЎСТЛИК РУҲИГА АСОСЛАНГАН

## Кўксарой қароргоҳида 14 июнь куни мамлакатимизга давлат ташрифини амалга ошираётган Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёлни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.



Мақсад, қараш ва фикрларнинг бир-бирига яқинлиги — самарали мулоқотнинг давомли бўлишини кафолатлайди. Ўзбек ва корейс халқларининг ўхшаш томонлари кўп. Очиқ юзлик, изланиш ва меҳнатдан қочмаслик каби хусусиятлар кўп йиллик қадрият саналади.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси етакчиларининг олий даражадаги тарихий учрашуви самарали бўлаётганининг асосида ҳам ана шу муштараклик ётибди.

Ўзбекистонда олиб борилаётган очиқлик сиёсати, инвестицион муҳитнинг яхшилангани ва қонун устуворлиги ушбу мамлакат билан муносабатларда ҳам янги саҳифа очди. Биргина мисол, кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми кескин ошди. Хусусан, ўтган йил бу рақам рекорд даражага — 2,5 миллиард долларга етди.

Қароргоҳ олдидаги майдонда икки давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий қарши олди ва шоҳсупага таклиф қилди. Давлат мадҳиялари янгради.

Ҳарбий оркестр садолари остида етакчилар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар ҳамда расмий делегациялар аъзоларини бир-бирларига таништирдилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёлнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлаб, дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 32 йиллиги ва Ўзбекистон — Корея алоҳида стратегик шериклик муносабатларининг беш йиллиги билан чин дилдан табриклади.

Учрашув чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий, технологик ва бошқа устувор соҳаларда амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг етакчи савдо ва инвестиция ҳамкорларидан бири эканлиги таъкидланди. Ўтган йили товар айирбошлаш 2,5 миллиард долларни ташкил этди, корейс инвестициялари ҳажми 7,5 миллиард доллардан ошди. Туристлар оқими ортиб бормоқда, Тошкент ва Сеул ўртасида бир ҳафтада 10 та авиапарвоз амалга оширилмоқда.

Ҳамкорлик салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш, йирик юқори технологик лойиҳаларни аниқлаш ва илгари суриш учун янги шериклик моделини шакллантириш юзасидан келишувга эришилди.

Маданий-гуманитар алмашинув самарали ривожланаётгани юқори баҳоланди. Республикамизда Корея етакчи олийгоҳларининг 4 та филиали муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ўз навбатида, Жанубий Кореяда 11 мингдан ортиқ ўзбекистонлик талаба таълим олмоқда.

Корея маданияти уйи, Кўп тармоқли болалар клиникаси, Тошкентдаги Сеул боғи ва Сеул кўчаси дўстлик ва ҳамкорликнинг ҳақиқий рамзига айланди.

Президентлар халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро қўллаб-қувватлашнинг аҳамиятини таъкидладилар.

Шунингдек, минтақавий, жумладан, “Марказий Осиё — Корея Республикаси” форматидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Хавфсизлик ва мудофаа соҳасида, хусусан, кибержиноятлар, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича яқин алоқаларни ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг барча соҳалари ва йўналишларини қамраб олган алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

— Кенг делегациянгиз билан Ўзбекистонга амалга ошираётган давлат ташрифингизни юртимиз ва минтақамиз билан кўп қиррали ҳамкорлик ривожига катта эътиборнинг яна бир тасдиғи сифатида қабул қиламиз, — деди Президентимиз.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг жадал ва инновацион ривожланишида асосий шериклардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда энергетика, кимё, автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик, озиқ-овқат ва бошқа соҳаларда 726 та қўшма корхона фаолият юритмоқда.

Музокаралар чоғида келгуси уч йил учун Ўзбекистон — Корея алоҳида стратегик шериклигининг янги юқори технологияли кун тартибини шакллантириш муҳимлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари буни “Икки мамлакатнинг юқори технологияли ва инновацион ҳамкорлигининг янги даври” деб эълон қилиш ташаббуси билан чиқди.

Шу муносабат билан ҳукуматларга Ўзбекистонда минтақавий юқори технологик хаб яратиш бўйича стратегик дастурни тайёрлаш топширилди.

Айни пайтда стратегиянинг туб йўналишлари сифатида бир қатор устувор соҳаларда ҳамкорлик қилиш таклиф этилди.

Биринчидан, ўта муҳим минерал ресурслар соҳасидаги ҳамкорлик. Бу ресурс базасини чуқур қайта ишлаган ҳолда қўшилган қийматнинг тўлиқ занжирини яратишни назарда тутади.

Иккинчи. Корея Республикаси анъанавий равишда глобал етакчилардан бири ҳисобланган яримўтказгичлар соҳасида стратегик ҳамкорлик. Бу борада мамлакатимизда минтақада биринчи яхлит илмий-ишлаб чиқариш кластерини барпо этиш режалаштирилган.

Учинчи. Кимё саноатида кенг кўламли ҳамкорлик. “Яшил” водород ва аммиак ишлаб чиқариш, шунингдек, тайёр резинотехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича янги лойиҳалар тайёрланган.

Тўртинчи. Машинасозликда кооперацияни чуқурлаштириш. Жорий йил баҳорида Жиззах вилоятида KIA автомобилларини йиғиш линияси ишга туширилди. Келгуси йилда йилига 60 мингдан ортиқ седан ишлаб чиқаришни бошлаш режалаштирилган.

Бешинчи. “Ақлли” қишлоқ хўжалигини яратишга технологияларни жалб қилиш, шу жумладан, аграр тармоқни рақамлаштириш, “ақлли“ ва “яшил” технологияларни жорий этиш.

Мамлакатимиз ҳудудларида қайта тикланадиган энергия манбалари асосида замонавий иссиқхона хўжаликлари ва боғдорчилик мажмуаларини барпо этиш юзасидан келишувларга эришилган.

Олтинчи. Инфратузилмани модернизация қилиш ва шаҳарсозлик дастури. Корея банклари ва компанияларининг транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида турар жой ва тижорат объектларини лойиҳалаштириш ва қуришга қизиқиши юқори экани таъкидланди.

Еттинчи. Замонавий ва хавфсиз энергетика. “Яшил” энергетика ва энергия самарадорлигини ошириш соҳасида истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш учун томонлар энергетика вазирлари даражасида стратегик мулоқотни қайта тиклашга ва унинг навбатдаги йиғилишини яқин орада Ўзбекистонда ўтказишга келишиб олдилар.

Корея Эксимбанки ва EDCF жамғармаси билан шериклик муваффақиятли бўлаётгани мамнуният билан қайд этилди, улар билан қўшма лойиҳалар портфели 3 миллиард доллардан ошган.

EDCF жамғармаси доирасида 2 миллиард долларлик янги лойиҳалар, жумладан, юқори тезликдаги электр поездларни етказиб бериш, “Тошкент Фарма Парк” лойиҳасининг иккинчи босқичини амалга ошириш ва таълим муассасаларини жиҳозлаш бўйича келишувга эришилган.

Ҳозирги саммитга тайёргарлик кўриш жараёнида юқоридаги йўналишлар бўйича 9,6 миллиард долларлик янги лойиҳалар портфели шакллантирилгани мамнуният билан қайд этилди.

Президентлар маданий-гуманитар алмашинувни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратдилар.

Самарали шерикликнинг яққол мисоли Корея томони билан ҳамкорликда қурилган замонавий кўп тармоқли болалар клиникаси ҳисобланади.

Музокаралар чоғида катталар учун шифохона, онкологик клиника ва қўшма университетни ўз ичига олган тиббий кластер лойиҳаларини тайёрлаш ва амалга оширишни жадаллаштириш бўйича келишувга эришилди.

Бундан ташқари, Кореянинг ихтисослаштирилган марказларида тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш бўйича узоқ муддатли дастур ишга туширилади.

Таълим соҳасида ҳамкорлик бўйича катта тажриба тўпланган. Ўтган йилнинг мартида биринчи Ўзбекистон — Корея ректорлари форуми бўлиб ўтди. Келгуси йили навбатдаги учрашув ўтказилади.

Ўзбекистонда Корея фан ва технологиялари институти (KAIST) модели асосида институт ташкил этиш таклифи қўллаб-қувватланди.

Бундан ташқари, Корея Давлат бошқаруви институти ва Миллий инсон ресурслари институти билан ҳамкорликда Тошкентдаги Давлат бошқаруви академияси қошида Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект ўқув марказини очиш режалаштирилган.

Кореялик мутахассисларни жалб қилган ҳолда корейс тилини ўрганиш дастурларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

KOICA кўмагида Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз, Фарғона ва Урганчда очилган профессионал таълим марказларида ўзбекистонлик фуқаролар муваффақиятли тайёрланаётгани қайд этилди.

Корея томони молиявий-техник кўмакни жалб қилган ҳолда бундай марказлар тармоғини Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам очишга тайёрлигини билдирди.

Икки халқни янада яқинлаштириш мақсадида келгуси йилни “Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги ўзаро алмашинувлар йили” деб эълон қилиш ва ўзаро маданий тадбирларни ўтказиш таклиф қилинди.

2027 йилда Ўзбекистонда корейс диаспораси истиқомат қилаётганининг 90 йиллиги кенг нишонланади.

Президентлар бу тарихий санага атаб Тошкент шаҳридаги Корейс маданияти ва санъати уйида музей ва кутубхона очишга келишиб олдилар.

Давлатимиз раҳбари “Электрон ҳукумат”ни ривожлантириш, “Рақамли Ўзбекистон” стратегиясини ишлаб чиқиш, IT-парк салоҳиятини мустаҳкамлаш ва “U-Enter” бизнес инкубаторларини яратишда Корея томонининг катта ҳиссасини қайд этди.

Бу борада томонлар сунъий интеллект, бизнес жараёнларини аутсорсинг қилиш ва рақамли технологиялар соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олдилар.

Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш, экология, меҳнат миграцияси ва бошқа муҳим йўналишларда аниқ таклифлар кўриб чиқилди.

Музокаралар якунида давлат раҳбарлари ҳар бир йўналиш бўйича аниқ муддатлар ва амалга ошириш механизмлари белгиланган “йўл хариталари”ни қабул қилишга топшириқ бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль ўртасида бўлиб ўтган самарали музокаралар якунлари бўйича икки томонлама ҳужжатларнинг салмоқли тўплами қабул қилинди.

Давоми 2-бетда

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

Халқаро ҳамкорлик

# ЎЗГАРАЁТГАН ЗАМОН ТАЛАБИГА ҲОЗИРЖАВОБ БЎЛИШИМИЗ КЕРАК

## ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ВА ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИМИЖИ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

**Кейинги йилларда Корея Республикаси Персонални бошқариш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан инсон ресурсларини бошқариш соҳасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, 2023 йил 31 октябрда ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми имзоланиб, икки томонлама муносабатларни ривожлантириш учун муҳим пойдевор яратилди.**

Бу жабҳадаги ҳамкорлик Корея Республикаси Президенти жаноб Юн Сок Ёлнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида янада мустаҳкамланди, дейишга асосларимиз бор. Боиси, ташриф чоғида икки давлат ўртасида кадрлар сиёсати соҳасидаги ҳамкорлик режасини ишлаб чиқишга келишиб олинди. Бундай келишув мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг амалий аҳамияти ва кўламини янада кенгайтиради. Шу нуқтаи назардан, Корея Республикаси Персонални бошқариш вазирлиги Ўзбекистон ҳукумати билан рақамли трансформация йўналишида ҳамкорлик янада ривожланишига ишонч билдиради.

Давоми 2-бетда

Самарқанд форуми

# ТЕНГЛИК, АДОЛАТ, ҚАДР-ҚИММАТНИ ЭЪЗОЗЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТИЗИМИ

**Шу йил 13-14 июнь кунлари бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форумида глобал миқёсда экологик вазият барқарорлигини сақлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қиладиган янги амалий таклифлар ишлаб чиқиш, сайёрамизни барқарор ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар қизғин муҳокама қилинди. Иқлим ўзгаришининг инсон ҳуқуқларига салбий таъсирини юмшатишга оид аниқ тавсия ва ечимлар тайёрлаш бўйича фикрлашилди. Хусусан, Президентимизнинг форум иштирокчиларига мурожаатида илгари сурилган долзарб масалалар ҳам муҳокамаларнинг муҳим мавзусига айланди.**

## ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРГА САМАРАЛИ ЕЧИМ ТОПИШ ВА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШГА ЗАМИН БЎЛАДИ




**Фолькер ТЮРК,**
**БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари:**

— Сайёранинг уч карра инқирози — иқлим ўзгариши, биологик хилма-хилликнинг йўқолиши ва атроф-муҳит ифлосланиши ҳар бир инсонга таъсир қилади. Бу нафақат сайёрамиз, балки инсон ҳуқуқлари инқирози ҳам. Экологик офатлар соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат, сув ва санитария ҳуқуқлари, ҳатто яшаш ҳуқуқига ҳам бевосита таъсир қилади.

Давоми 3-бетда

Давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда Корея Республикаси Ўзбекистон иқтисодиёти ва саноатини модернизация қилишда муҳим ҳамкорга айланганини таъкидлади. Бугунги кунда Кореянинг етакчи компаниялари ва банклари билан 5 миллиард долларлик йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 15 июнь, 118-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

# ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ САЛОҲИЯТЛИ ЯНГИ ДАВРИ ЎЗАРО ИШОНЧ, ДЎСТЛИК РУҲИГА АСОСЛАНГАН

**Бошланиши 1-бетда**

Давлат раҳбарлари Алоҳида стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва ҳар томонлама кенгайтириш тўғрисидаги Қўшма баёнотни имзоладилар.

Давлат ташрифи доирасида жами 17 та ҳужжат, шу жумладан:

— Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик жамғармаси билан ҳукуматлараро битим;

— Корея Экспорт-импорт банки ва “Hyundai Rotem” компанияси билан тезюрар электр поездларини харид қилиш ва етказиб бериш тўғрисида битимлар;

— Корея Экспорт-импорт банки билан ўрта мактаблар учун фан, ахборот-коммуникация технологиялари ускуналарини етказиб бериш тўғрисида битим;

— “Тошкент Фарма Парк” инновацион фармацевтика кластери лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида битим;

— Ўзбекистон давлат хизматчилари салоҳиятини ошириш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим;

— ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2025-2027 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури;

— Жаҳон савдо ташкилоти доирасида ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Транспорт соҳасида ҳамкорлик тўғрисида келишув;

— Ўзбекистон ҳудудларида марказлашган иссиқлик таъминоти тизимларини модернизация қилиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида келишув;

— Ўта муҳим минераллар соҳасида шериклик тўғрисида келишув;

— Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Корея қўшма қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида келишув;

— Малакали ва профессионал кадрлар тайёрлаш бўйича ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

— Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;

— “Ўзсаноатқурилишбанк” АЖ билан Корея Экспорт-импорт банки ўртасида банклараро мастер-кредит линияси тўғрисида битим имзоланди.

Олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот билан чиқдилар.

Етакчилар очиқ ва дўстона муҳитда, конструктив ва ишончли мулоқот руҳида ўтган учрашувлар натижаларини юқори баҳоладилар.

Давлатимиз раҳбари Корея жаҳонда жадал тараққий этиб бораётган мамлакатлардан бири, Ўзбекистоннинг вақт синовларидан ўтган алоҳида стратегик ҳамкори эканини таъкидлади.

— Корея давлати биздан анча олисда жойлашган бўлса-да, халқларимизнинг урф-одат ва қадриятлари, маънавий олами ва дунёқараши бир-бирига ўхшашдир. Биз яқин дўст сифатида олижаноб ва бағрикенг корейс халқи эришаётган катта муваффақиятлардан беҳад қувонамиз ва фахрланамиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон раҳбари корейс ҳамкасби билан музокаралар чоғида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари белгиланганини, янги режа ва марралар олинганини таъкидлади.

Ҳамкорликнинг барча механизмларига тизимли тус бериш, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, ўзаро савдода мувозанатни таъминлаш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу маънода Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро қўмита ва ташқи сиёсат идоралари ўртасида Стратегик мулоқотнинг биринчи йиғилиши натижалари юқори баҳоланди.

Ўзбекистон раҳбари Корея Президенти билан бирга мамлакатимизга катта ишбилармонлар делегацияси келганини мамнуният билан таъкидлади.

Бизнес форумда Кореянинг 80 дан ортиқ етакчи компаниялари иштирок этаётгани ва 9,6 миллиард долларлик янги лойиҳалар тўплами тайёрлангани савдо-иқтисодий ҳамкорликка кучли туртки беришига ишонч билдирилди.

Яқин йилларга мўлжаллаб Ўзбекистон — Корея алоҳида стратегик шериклигининг янги юқори технологияли кун тартибини шакллантириш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари корейс компаниялари билан ҳамкорликнинг айрим устувор йўналишларига тўхталиб ўтди.

Масалан, ўта юпқа мис фольгаси, “яшил” водород, аммиак, агрокимё, яримўтказгичлар ва электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича келишувлар мавжуд. Ўзбекистон автомобиль русумлари қаторини кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан манфаатдор. Қишлоқ хўжалиги соҳасида Кореянинг “яшил” ва “ақлли” технологияларини трансфер қилиш бўйича аниқ келишувларга эришилган.

Корея компаниялари давлат-хусусий шериклик асосида транспорт инфратузилмасини модернизация қилишда иштирок этади.

Давлат раҳбарлари икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш муҳимлигини таъкидладилар.

Ўзбекистоннинг анъанавий ҳамкорлари — Эксимбанк, EDCF жамғармаси ва Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) билан шерикликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

EDCF билан умумий қиймати 2 миллиард доллар бўлган янги ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштириш бўйича битимлар имзолангани мамнуният билан қайд этилди.

Томонлар, шунингдек, касбий таълим ва меҳнат миграцияси, экология ва иқлим ўзгариши соҳаларида ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олдилар.

Музокаралар чоғида етакчилар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан позициялар ўхшашлигини тасдиқладилар.

Давлатимиз раҳбари келгуси йил Сеулда “Марказий Осиё — Корея” форматидаги биринчи саммитни ўтказиш таклифини маъқуллади ва Президент Юн Сок Ёлнинг Корея яриморолида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича қатъий қадамларини қўллаб-қувватлади.

Маданий-гуманитар соҳада томонлар 2025 йилни “Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги алмашинувлар йили” деб эълон қилишга келишиб олдилар. Унинг доирасида ўзаро маданият ҳафталиклари, ёшлар, таълим, тил ва спорт форумлари, санъат ва ҳунармандчилик кўргазмалари, туризм тадбирлари ўтказилади.

Умуман, Ўзбекистон ва Корея Президентлари замонавий шароитларда ҳамкорликнинг янги моделини яратишга келишиб олдилар.

— Ўзаро муносабатларимизда “Юқори технологик ва инновацион ҳамкорликнинг янги даври” бошланмоқда. Бугун имзоланган Алоҳида стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва ҳар томонлама кенгайтириш тўғрисидаги қўшма баёнот ва йигирмага яқин бошқа ҳужжатлар бу эзгу ниятларимизга хизмат қилишига аминман, — деди давлатимиз раҳбари.

Қўшма режаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва тезлаштириш мақсадида давлатимиз раҳбари лойиҳаларни назорат қилиш ҳамда кўмаклашиш бўйича кўп босқичли механизмни жорий этишни таклиф қилди.

Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги олий даражадаги музокаралар якунида Кўксарой қароргоҳида дарахт экиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль Фахрий меҳмонлар хиёбонида дарахт экдилар.

Маросим халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро англашув мустаҳкамланаётгани, икки мамлакат етакчиларининг Ўзбекистон — Корея алоҳида стратегик шериклик муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга қатъий интилишининг рамзий ифодаси бўлди.

Сўнг Президентлар Тошкент шаҳридаги Технопаркка ташриф буюрдилар.

Олий мартабали меҳмонга Технопарк корхоналарида ишлаб чиқарилаётган кенг турдаги юқори технологик маҳсулотлар, жумладан, Жанубий Кореянинг “Samsung Electronics” компанияси технологияси асосида тайёрланаётган техника намуналари намойиш этилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган саноат мажмуасида умумий қиймати 365 миллион доллар бўлган 16 та ишлаб чиқариш қуввати жойлашган. Бу йил логистика маркази иш бошлайди.

Маҳсулотлар хорижий брендлар остида ва уларнинг назоратида ишлаб чиқарилади, ички ва ташқи бозорларда катта талабга эга. Улар 10 та давлатга экспорт қилинмоқда.

Президентлар икки мамлакат етакчи корхоналари кооперациясини кенгайтириш, ўзаро тажриба алмашиш, илғор технологиялар ва инновацияларни трансфер қилиш муҳимлигини таъкидладилар.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Юн Сок Ёль Ўзбекистон — Корея бизнес форумида иштирок этди.

Корея томонидан тадбирда SK Group, Lotte Corporation, KOGAS, POSCO, Samsung, LG, Hyundai, KIA, Doosan, BoMI, Эксимбанк, EDCF жамғармаси, Корея тараққиёт банки каби 80 дан ортиқ етакчи компания ва банк-молия институтлари раҳбарлари қатнашди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида Корея Республикаси Ўзбекистоннинг анъанавий ва йирик савдо, инвестиция ва технологик ҳамкорларидан бири эканини таъкидлади.

Олий даражадаги музокаралар чоғида етакчилар савдо ва инвестицияларни кўпайтириш чораларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қўшма лойиҳаларни молиялаштиришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, бизнес учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасида келишиб олдилар.

Давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда Корея Республикаси Ўзбекистон иқтисодиёти ва саноатини модернизация қилишда муҳим ҳамкорга айланганини таъкидлади. Бугунги кунда Кореянинг етакчи компаниялари ва банклари билан 5 миллиард долларлик йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

POSCO компанияси билан тўқимачилик кластери, Эксимбанк ва CNT билан кўп тармоқли болалар клиникаси, Shingdong Enercom билан кремнийни қазиб олиш ва қайта ишлаш каби лойиҳалар бу борадаги муваффақиятли шерикликка мисол бўлади.

Президентимиз янги Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, хусусий мулк дахлсизлиги ва инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ислоҳотлар ортга қайтмаслигини алоҳида таъкидлади.

— Ўзбекистон — Корея ҳамкорлигининг салоҳияти жуда юқори. Бизнинг иқтисодиётларимиз бир-бирини самарали тўлдиришга қодир, — деди Президент.

Шу нуқтаи назардан келгуси ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Аввало, стратегик хомашёни илғор технологиялар асосида чуқур қайта ишлаш ва юқори қийматли маҳсулотларни учинчи давлатларга экспорт қилиш.

Бу борада муҳим қадам сифатида ўта юпқа мис фольгани биргаликда ишлаб чиқариш бўйича битим имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон — Корея нодир металлар илмий-технологик маркази фаолиятини кенгайтириш ҳам кўзда тутилган.

Электротехника саноатидаги шериклик доирасида Тошкент вилоятида Марказий Осиёда биринчи яримўтказгичлар кластерини барпо этиш ҳамда электротехника ва техник кремний ишлаб чиқариш бўйича кооперацияни кенгайтириш режалаштирилган.

Ўзбекистон кимё соҳасида корейс бизнеси билан стратегик шерикликни ривожлантириш ниятида. “Яшил” водород, аммиак ва каучук маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш режалари қўллаб-қувватланди.

Шунингдек, ташриф доирасида Эксимбанк ва KOICA кўмагида Кимё технологиялари марказини ташкил этишга старт берилмоқда.

Ўзбекистон Кореянинг инфратузилма ва шаҳарсозлик соҳасидаги илғор тажрибасини ўрганишдан манфаатдор. Бу борада корейс ҳамкорларнинг давлат-хусусий шериклик асосида транспорт инфратузилмасини модернизация қилишдаги иштирокига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари корейс ишбилармон доиралари вакилларига Ўзбекистон ҳукумати барча келишувларни ўз вақтида ва самарали амалга оширишда фаол қўллаб-қувватлашини айтди.

Шу мақсадда қўшма лойиҳаларни мувофиқлаштириш ва илгари суришнинг янги тизими жорий этилиши эълон қилинди.

Ўз навбатида, Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ортга қайтмас ислоҳотлар дастурини юқори баҳолаб, ўзаро манфаатли шериклик кўламини кенгайтириш учун ишга солинмаган катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёлнинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**ЎзА мухбирлари**

---

**Халқаро ҳамкорлик**

# ЎЗГАРАЁТГАН ЗАМОН ТАЛАБИГА ҲОЗИРЖАВОБ БЎЛИШИМИЗ КЕРАК




## Давлат хизмати ва давлат хизматчиларининг замонавий имижи муҳим аҳамият касб этади



**Ким Син ҲО,**
*Корея Республикаси персонални бошқариш вазири*

**Бошланиши 1-бетда**

Ҳозир барча мамлакат сунъий интеллект ва 5G каби технологик ўзгаришларни келтириб чиқарган тўртинчи саноат инқилоби шароитида яшамоқда. Бундай шароитда маълумотларни қайта ишлаш ва улардан фойдаланишнинг аҳамияти кучаяди ҳамда рақамли трансформацияга талаб ортади. Инсон ресурсларини бошқариш нисбатан секин ўзгарадиган соҳа ҳисобланса-да, давр талабларига ҳозиржавоб бўлиши зарур.

Бугун йирик компаниялар ўз иш услубини такомиллаштириш ва оқилона қарорлар қабул қилиш мақсадида сунъий интеллект ва бошқа янги технологиялардан фойдаланмоқда. Айни пайтда улар индивидуал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда хизмат кўрсатишни давом эттирмоқда.

Масалан, Google компанияси 10 йилдан буён Персонални ва инновацияларни бошқариш лабораторияси (PiLab) орқали ташкилий тузилмасини такомиллаштириш мақсадида турли маълумотлар таҳлилини ўтказиб келади. Шунга ўхшаш IBM сунъий интеллекти, MyCA ҳар бир шахснинг карьераси учун зарур компетенциялар таклиф қилади.

Жанубий Кореянинг кўп сонли компаниялари ҳам ишга ёллаш, истеъдодни ривожлантириш, карьерани бошқариш, ташкилий маданиятни яхшилаш каби йўналишларда сунъий интеллект ҳамда катта маълумотлар каби рақамли технологиялардан кенг фойдаланмоқда.

Корея Республикаси ҳукумати 2000 йилдан буён давлат хизмати тизимида рақамли трансформацияни амалга оширишга киришган. Бу жараён “e-Saram” деб номланган персонални бошқаришнинг электрон тизими негизида татбиқ этилади. Давлат хизматчиларини ишга ёллашдан истеъфосига қадар жараён шу тизим орқали электрон бошқарилади.

“e-Saram”нинг биринчи авлоди 2000 йилда компьютерлаштирилган бўлса, иккинчи авлоди 2012 йили интеграциялашган ва ҳозир персонални бошқаришнинг учинчи авлод интеллектуал тизимига ўтишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Корея Республикаси ҳукумати ҳозир ишлаб чиқаётган “e-Saram”нинг учинчи авлоди давлат хизматчиларига интеллектуал хизматлар кўрсатиши кутилмоқда. Натижада шундай муҳит яратиладики, давлат хизматчиси бутун диққат-эътиборини ишига қаратиб, бошқа нарсага чалғимайди.

Жумладан, “e-Saram” давлат хизматчисига зарур ахборотни барвақт етказади, турли масалалар (шу жумладан, шахсини ривожлантириш) бўйича маслаҳат беради. Туғуруқ ва бола парвариши таътилидан қайтган давлат хизматчиларига оид имтиёзлар ҳақида маълумот бериб, тегишли аризаларнинг тақдим этилишига шароит яратади. Бундай мобил платформалар ёрдамида давлат хизматчиларининг ишга келиб-кетишини бошқариш ҳам қулай. Хизмат сафари харажатларининг тўланиши каби вазифалар эса асословчи ҳужжатларни тақдим этмасдан, тегишли маълумотларни боғлаш орқали осонгина ҳал қилинади. Натижада давлат хизматчилари иккиламчи ишлар ҳақида қайғурмай, бутун диққат-эътиборини муҳим ва яратувчан вазифаларга қаратади.



Инсон ресурсларини бошқаришнинг аввалги электрон тизимлари самарадорликни ошириш эвазига ишчи кучи ва персонални бошқариш харажатларини анча қисқартирган бўлса, учинчи авлод тизими давлат хизматчиларига ўз салоҳиятини намоён қилиш имконини беради. Бундай ёндашув миллий тараққиётга ҳамда халқ манфаатлари йўлида сиёсатни амалга оширишга имконият яратади.

Жанубий Корея ҳукуматининг рақамли трансформацияга қаратилган саъй-ҳаракати жаҳон давлатлари ривожига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, деб умид қиламан. Хусусан, Корея Республикаси ҳукумати сўнгги йилларда Ўзбекистонда кадрларни бошқаришнинг рақамли тизимини ривожлантиришга кўмаклашмоқда. Жумладан, 2023 йилда халқаро экспертлар иштирокида ўзаро ҳамкорликда амалга оширилган тадқиқотда Жанубий Корея ва Ўзбекистондаги инсон ресурсларини бошқаришнинг электрон тизимлари қиёсий таҳлил қилинди. Бундан ташқари, Корея Республикасининг IT консалтинг компаниялари томонидан Ўзбекистонда кадрларни бошқаришнинг электрон тизимини янада такомиллаштириш бўйича консалтинг лойиҳалари амалга оширилди. Инсон ресурсларини бошқариш тизими Ўзбекистон ҳукуматининг рақамли трансформациясига йўналтирилган келгуси ҳамкорликнинг пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Ҳамкорликдаги лойиҳалар давомида Корея Республикаси Персонални бошқариш вазирлиги ва консалтинг компаниялари мутахассислари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ходимларининг рақамли трансформацияга қатъий киришганига ишонч ҳосил қилди. Ҳозир Ўзбекистонда шакллантирилаётган “hrm.argos.uz” платформаси инсон ресурсларини бошқариш тизимининг самарали ва инновацион ривожланишини таъминлашига ишончимиз комил.

Инсон ресурсларини самарали бошқариш ва давлат хизматчиларининг салоҳиятини ошириш мақсадида 2019 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги мамлакатнинг келгуси тараққиёти учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Давлат хизмати тизимидаги ислоҳотлар Ўзбекистон Республикасининг 2022 йилда қабул қилинган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонуни билан мустаҳкамлангани ҳам эътиборга молик. Мазкур қонун ҳамда инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантиришга масъул махсус ваколатли органнинг ташкил этилгани давлат хизматини модернизациялаш ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган ислоҳотлар дастурига ҳамоҳангдир.

Президентлар Юн Сок Ёль ҳамда Шавкат Мирзиёев жанобларининг бизнинг соҳага доир мулоқоти ва эришилган келишувлар инсон ресурсларини рақамли бошқариш борасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаб, давлат хизмати самарадорлигини оширишга йўналтирилган илғор тажрибалар алмашинувига замин яратади. Бундай ҳамкорликнинг давом этиши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг саъй-ҳаракатларини янада кучайтиради, салоҳиятини оширади, самара беради. Биз эса бу борада ўзаро ҳамкорликка ҳамиша тайёрмиз.

## Самарқанд форуми

# ТЕНГЛИК, АДОЛАТ, ҚАДР-ҚИММАТНИ ЭЪЗОЗЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТИЗИМИ

Бошланиши 1-бетда

## Экологик муаммоларга самарали ечим топиш ва барқарор ривожланишга замин бўлади



Марказий Осиё минтақаси иқлим ўзгаришининг ҳалокатли оқибатларини жуда яхши билади. У глобал ўртача кўрсаткичдан тезроқ исиётган минтақа. Иссиқ тўлқин, қурғоқчилик ва кучли ёғингарчилик каби экстремал об-ҳаво ҳодисалари одатий ҳолга айланиб, янада жиддийлашиб бормоқда. Бутун минтақа бўйлаб ўзгарувчан иқлим кўпчиликни иш излаб уйини ташлаб кетишга мажбур этяпти. Чунки улар тирикчилиги учун фойдаланадиган ер қурғоқчилик ва чўлланиш туфайли таназзулга юз тутмоқда.

Марказий Осиё учун яқин йиллардаги асосий имконият "яшил" ривожланиш бўлади, деб ишонаман. Қайта тикланадиган энергия, барқарор қишлоқ хўжалиги ва табиатни муҳофаза қилиш сайёрамиз учун жуда муҳим. Бу омиллар иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш ва инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. "Яшил" ривожланиш эса келажак авлодларнинг инсон ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиши сари тўғри йўналиш олиш, деганидир.

2022 йили БМТ Бош Ассамблеяси бу соҳада муҳим резолюция қабул қилиб, одамлар ҳамма жойда тоза, соғлом ҳамда барқарор атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқига эга эканини тан олди. Демак, тоза ҳаво, хавфсиз сув, етарли озиқ-овқат ва барқарор иқлимдан баҳраманд бўлиш ҳар биримизга тегишли, кафолатланган ҳуқуқлардир.

Ҳукуматлар ва бошқа субъектлар, жумладан, хусусий сектор ана шу ҳуқуқлардан тўлиқ фойдалана олишимиз учун масъул. Шу маънода, БМТга аъзо давлатларнинг қарийб 83 фоизи, жумладан, Ўзбекистон ҳам ички қонунчилигида соғлом муҳит ҳуқуқини расман тан олгани жуда муҳим.

Ўзбекистонга ўтган йили мартда келган эдим. Ўшанда одамларнинг инсон ҳуқуқлари, жумладан, атроф-муҳитга оид масалаларни ҳал этишга қатъияти мени ҳайратга солди. Мамлакат ҳам иқлим ўзгаришидан келиб чиқадиган инсон ҳуқуқлари инқирозини ҳал қилиш бўйича қатъий мажбуриятларни зиммасига олган. Масалан, яқинда Марказий Осиёда биринчи бўлиб айнан Ўзбекистон БМТнинг Сув ва саломатлик бўйича Европа протоколига қўшилганини олқишлайман.

Ўтган йили БМТ Бош Ассамблеясида, шунингдек, ташкилотнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясида ҳам Ўзбекистон иқлим билан боғлиқ масалалар, жумладан, миграция ва кўчиш, шунингдек, атроф-муҳит муаммоларини ҳал этишда ёшларнинг иштирокини кенгайтириш мажбуриятини зиммасига олди.

Ўзбекистоннинг Универсал даврий шарҳ тавсияларини бажариш бўйича масъулиятли жараёнларда изчил қатнашаётганини мамнуният билан қайд этаман. Бундай муҳим фаолият натижасида халқаро ҳамжамият мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича қатор тавсиялар берди ва улар изчил бажарилмоқда.



Мамлакатни БМТнинг Европа бўйича иқтисодий комиссияси қабул қилган Атроф-муҳитга тааллуқли масалалар борасида ахборотдан эркин фойдаланиш, қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштирокини таъминлаш ва соҳада одил судловга эришиш тўғрисидаги Орхус конвенциясини, шунингдек, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг факультатив протоколини ратификация қилиш бўйича зарур чоралар кўришга чақираман.

Мазкур халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар экологик муаммолар шароитида ҳисобдорлик, адолат, жамоатчилик иштироки ва ахборотдан фойдаланиш соҳаларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

**Маттео МЕКАЧЧИ,**
**ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори:**

— Ҳозир атроф-муҳитдаги муаммолар кундалик ҳаётимизнинг бир қисмига айланиб улгурди. Шундай экан, аввало, глобал исиш инсон ҳуқуқларига таъсир қилишини ва айни таъсир аллақачон бошланганини англаб етишимиз лозим. Самарқандда бу борада бўлиб ўтадиган муҳокама натижалари нафақат ЕХҲТ минтақасида, балки янада кенг кўламда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши, бундай жонли мулоқотлар кейин ҳам давом этиши ва амалий саъй-ҳаракатга айланиши керак.



Атроф-муҳит ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммоларининг асоси муштарак ва ўзаро мутаносиб. Шунинг учун ҳам ЕХҲТга аъзо аксарият давлат ўз Конституциясида соғлом атроф-муҳит ҳуқуқини тан олган. Атроф-муҳитнинг таназзулга учраши инсоннинг бошқа кўплаб ҳуқуқларига рахна солади. Жумладан, бу офат соғлиқни сақлашнинг энг юқори стандартига эга бўлиш ҳуқуқи, озиқ-овқат, таълим, уй-жой ва ҳатто яшаш ҳуқуқи каби ўта муҳим ҳуқуқлар рўёбига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бир томонда кучли иссиқлик тўлқини, қурғоқчилик ва чўлланиш, бошқа томонда ғайритабиий ёғингарчилик ва сув тошқини жуда зарарли оқибатларга олиб келмоқда. Бу каби офатлар туфайли қишлоқ хўжалиги ери ва инфратузилмаси таназзулга юз тутиши аҳолининг энг заиф вакиллари турмушига салбий таъсир кўрсатмоқда. Экстремал об-ҳаво ҳодисалари аллақачон яшаш, ишлаш ва ўқиш учун хавфсиз жой излаётган, айниқса, уйидан узоқдаги миллионлаб одамларнинг миграция муаммоларига тўқнаш келишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳаётни ўзгартирувчи бундай муаммоларга амалий жавоб бериш барчанинг ҳуқуқ ва эҳтиёжларини ҳурмат қилиш жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга.

ЕХҲТга аъзо барча давлат инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини тан олган ҳамда инсон ҳуқуқлари, демократия ва қонун устуворлигини ҳурмат қилишда инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг роли муҳимлигини эътироф этган. Албатта, бу мажбуриятлар инсон ҳуқуқлари ва атроф-муҳит ҳолатини кузатувчи ҳуқуқ ҳимоячилари ва фуқаролик жамияти ташкилотлари вакилларига ҳам тегишли. Чунки улар айни масалалар бўйича маълумот берувчи, миллий ва халқаро миқёсда ҳаракатга чақирувчи масъулиятли шахс ва ташкилотлардир.

Биргаликда ушбу глобал муаммони ҳал қила оламиз. Ҳозир мавжуд салбий тенденцияларни ўзаро ҳамжиҳатликда бартараф этишимиз тайин. Шунда Марказий Осиё минтақаси ва бутун ЕХҲТ ҳудуди инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг меҳнати ҳурмат ва ҳимоя қилинадиган, атроф-муҳитга оид хавотирлар тингланадиган ва ижобий ечимлар амалиётга татбиқ этиладиган намунавий минтақага айланади.

**Бакит ЖУСУПОВ,**
**ЕХҲТнинг Иқтисодий ва экологик фаолиятини мувофиқлаштирувчиси:**



— Инсон ҳуқуқлари ва экологик муаммолар ўртасидаги боғлиқликка бугуннинг асосий мавзуси сифатида эътибор қаратгани учун Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорлик билдираман. Ҳақиқатан, шахслар ва жамият хавфсизлигига таъсири тобора ортиб бораётган айни муҳим масалаларни батафсил муҳокама қиладиган фурсатимиз етди.

Атроф-муҳитнинг бузилиши инсон ҳуқуқларига салбий таъсир кўрсатаётганини барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Экологик муаммолар инсоннинг етарлича ҳаёт сифати, хавфсиз уй-жой, озиқ-овқат, соғлиқ, сув ва санитария ҳуқуқи ёки шунчаки ўз ҳаётини хавфсиз ва муносиб давом эттиришга бўлган асосий ҳуқуқларига дахл қилмоқда.

ЕХҲТ тизимида биз айнан шу мезонларга таянадиган яхлит ёндашувни қабул қилиш ва ривожлантиришга интиламиз. Амалий даражада эса ЕХҲТнинг иқлим ўзгаришидан келиб чиқадиган ва яққол хавф туғдирадиган таҳдидларни бартараф этиш бўйича ташаббусларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга кўмаклашамиз.

Масалан, иқлим ва хавфсизлик бўйича лойиҳамиз иқлим заифликларини бартараф этиш ҳамда иқлимга мослашиш бўйича қўшма ҳаракатлар орқали ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган. Ушбу лойиҳа доирасида, хусусан, Марказий Осиёдаги баланд тоғлар ҳамкорликнинг устувор йўналиши сифатида белгилаб олинган.

Бу борадаги асосий мақсадимиз — аҳолининг тирикчилик хавфсизлигини таъминлашда ёрдам бериш. Бунда музлик эриши оқибатларини бартараф этиш ва инсонларнинг иқлим шароити билан боғлиқ ҳаракатланишига оид муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашамиз.

Шу билан бирга, иқлим ўзгаришининг энергетика секторига таъсирини юмшатиш ва табиий ресурсларни бошқариш бўйича ишлаяпмиз. Айни чоғда ичимлик сув муаммосига ижобий ечим топиш, атроф-муҳитни тўғри бошқариш ва табиий офатлар хавфини камайтириш каби йўналишларда ҳам ишларни бажаряпмиз.

Ушбу нуфузли минтақавий ташкилот фаолиятида гендер ва ёшлар нуқтаи назарини интеграциялаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунки айнан аёллар ва ёшлар кўпинча қашшоқлик ва иқлим таъсиридан келиб чиққан сув тошқини ҳамда қурғоқчилик каби фалокатларни бошдан кечиради. Бу эса аксарият оилаларни чуқур молиявий қийинчиликларга дучор этади.

Самарқанд форуми доирасида аёллар ва энергия тармоғи, аёллар ва сув тармоғи ҳамда иқлим ўзгариши ва хавфсизлик бўйича гендер тадбирлар ҳақидаги масалаларга тўхталиш имкони туғилганидан мамнунман.

Инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форумидан атроф-муҳитни муҳофаза этиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган барқарор амалиётлар, таъсирчан саъй-ҳаракатлар ва қонунчилик чораларини тақдим этиш борасида самарали муҳокамалар кутиб қоламиз.

**"Янги Ўзбекистон" мухбири**
**Баҳор ХИДИРОВА тайёрлади.**

## Экспертлар фикри

# ИККИ МАМЛАКАТНИНГ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛИ ВА ИННОВАЦИОН АЛОҚАЛАРИДА МУҲИМ БОСҚИЧ

### КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА



**Хорижий экспертлар Ўзбекистон Корея Республикасининг Марказий Осиёдаги ягона алоҳида стратегик шериги экани, бу расмий Сеулнинг Марказий Осиё минтақаси бўйича стратегиясида икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришда устуворлик беришини таъкидламоқда.**

**Хесус ХИЛ,**
**Мадрид автоном университетининг Осиё тадқиқотлари маркази профессори, Испания Шарқшунослари уюшмаси бош котиби:**



— Дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён Ўзбекистон — Корея Республикаси алоқалари изчил ривожланиб бормоқда.

Шубҳасиз, Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Президенти этиб сайланиши билан мамлакатнинг халқаро майдондаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари сезиларли даражада ошиб, икки томонлама ҳамкорлик янада кучайди.

Бугунги кунда Жанубий Корея Ўзбекистонга 7 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритган йирик инвестор мамлакат ҳисобланади. Мингга яқин қўшма корхоналар "яшил" энергия, рақамли технологиялар ва машинасозлик каби истиқболли тармоқларда фаолият юритмоқда. Мамлакатлар тиббиёт, фармацевтика, электроника ва яримўтказгичлар соҳасида кўплаб лойиҳаларни амалга ошириб келади. Ҳозирда муваффақиятли модернизация босқичида турган Ўзбекистон иқтисодиётининг улкан салоҳиятини ҳисобга олсак, ҳақиқатан, ўзаро манфаатли ҳамкорликдир.

Президент Юн Сок Ёлнинг Марказий Осиёга, хусусан, Ўзбекистонга ташрифи Жанубий Кореянинг минтақага қизиқиши юқорилигини яққол намоён этди.

Шубҳасиз, Жанубий Корея Президентининг ушбу ташрифи Ўзбекистонга нафақат иқтисодий ва стратегик муносабатларни ривожлантиришда, балки халқлар ўртасидаги маданий алмашинув ва алоқаларни мустаҳкамлашда ҳам муҳим роль ўйнайди. Расмий Сеул Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкори сифатида айнан Тошкентни эътироф этади. Мунтазам ўтказилаётган олий даражадаги учрашувлар мамлакатлар ўртасида мустаҳкам ва динамик муносабатларни ривожлантиришда ўзаро хайрихоҳлик мавжудлигини намоён қилади.

**Пак Санг ЧЁЛЬ,**
**Жанубий Кореянинг Хонам университети ректори:**

— Ушбу ташриф мамлакатларимиз ўртасида барча соҳалар қатори таълим тизимида ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилгани билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Яқинда Жанубий Корея делегацияси билан Ўзбекистонга ташриф буюрдик. Бир ҳафта давомида Сирдарё, Самарқанд ва Тошкентдаги олий ўқув юртларида бўлдик, у ерда таълим ва маданият соҳасидаги алмашинув масалалари юзасидан самарали музокаралар олиб борилди.

Хонам университети қошида "Ўзбек маданияти маркази" ташкил этилиши муҳим лойиҳаларимиздан бири бўлиб, Жанубий Кореяда ўзбек тили ва Ўзбекистон маданиятини ўрганиш имконини беради.

"Ўзбек маданияти маркази"нинг очилиши нафақат мамлакатларимиз ўртасидаги таълим алоқаларини мустаҳкамлаш, балки ўзаро ҳамжиҳатлик ва маданий алмашувларни ривожлантириш учун муҳим қадам бўлади.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг кўп аҳолига эга давлат бўлиб, мамлакат тараққиёти йўлида ёшларга алоҳида эътибор қаратилади. Ишончим комилки, Ўзбекистон яқин келажакда нафақат минтақавий, балки жаҳон таълим ва илм-фан марказига айланади.

Ўзбекистон билан ҳамкорликни давом эттиришга умид қиламан ва таълим алмашинувини кенгайтириш бўйича турли лойиҳаларни фаол илгари суришга тайёрман.

Президент Юн Сок Ёлнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишига аминман. Ушбу ташриф турли соҳалар, жумладан, таълим, фан ва маданият соҳасида ҳамкорлик қилиш учун янги имкониятлар очади.



Мазкур давлат ташрифи мамлакатларимизнинг яқин шериклик ва ҳамкорликда ривожланишга интилишининг рамзи бўлиб, шубҳасиз, ўзаро манфаат келтиради ва халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлайди.

**Мохамед АМИН,**
**Сингапурнинг "Stie Pte Ltd" компанияси ижрочи вице-президенти:**

— Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёлнинг Ўзбекистонга ташрифи кўп қиррали Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари ривожида яна бир муҳим босқич бўлиб, икки томонлама ҳамкорликни сезиларли даражада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Жанубий Корея раҳбари ташрифи арафасида оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида Ўзбекистонни минтақадаги асосий ҳамкори деб атади ва унинг мамлакати ижтимоий-иқтисодий ҳамда демократик ривожланиш йўлида алоҳида стратегик шерик сифатида Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилишни давом эттиришини таъкидлади.

Маълумки, расмий Тошкент ва Сеул ўртасидаги икки томонлама муносабатлар алоҳида стратегик шериклик мақомини олган. Марказий Осиёнинг ҳеч бир давлати Жанубий Корея билан бундай даражадаги ўзаро алоқаларни ўрнатмаган.

Сеулда Ўзбекистон Савдо уйининг ташкил этилгани, Ўзбекистонда қўшма технопарклар ва профессионал марказларнинг ишга туширилгани, Тошкент шаҳридаги Жанубий Корея университетлари кампуслари фаолияти ва яна кўплаб бошқа мисоллар икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришда ўзаро манфаатдорлик ва юқори даражадаги ишончни намоён этади.



Бу омиллар энергетика ва ресурслар соҳасида стратегик шерикликни мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик, ҳукуматлар, корхоналар ва фуқаролар ўртасида муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган расмий Сеул томонидан эълон қилинган "Корея Республикаси — Марказий Осиё K SILK ROAD (R.O.A.D) ҳамкорлик ташаббуси"га асос бўлиб хизмат қилди.

Президент Юн Сок Ёль таъкидлаганидек, Жанубий Корея биргаликда Марказий Осиёда инсониятни илмий ва технологик ютуқларга етакловчи юқори технологияли хаб барпо этиш ва XXI асрнинг инновацион Ипак йўлини яратишга умид қилмоқда. Ушбу ташаббус илмий тадқиқот, ахборот-коммуникация технологиялари, яримўтказгичлар, сунъий интеллект соҳасида Ўзбекистон — Корея Республикаси ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган.

Ушбу ташаббусни Марказий Осиё минтақасида амалга оширишда Жанубий Корея Ўзбекистонга таянаётгани бежиз эмас. Бу расмий Сеул томонидан республикада иқтисодий ва инновацион ривожланиш борасида эришилган ажойиб натижалар эътироф этилганидан гувоҳлик беради.

**Муҳаммад Толиб Бин Моҳамад РАЖА МОҲАН,**
**Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Малайзиядаги Халқаро бизнес маркази бош ижрочи директори:**

— Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги алоҳида стратегик шерикликнинг бугунги ҳолати икки томонлама ва кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга кучли туртки бермоқда.

Шу нуқтаи назардан, олий даражадаги ташриф Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари ҳар икки томон учун муҳимлигини таъкидлайди. Хусусан, давлат раҳбарлари музокаралар кун тартибида савдо, хавфсизлик, инновациялар, технология, энергетика, электроника, кимё, қишлоқ хўжалиги ва инфратузилмани ривожлантириш каби кенг кўламли долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратди. Шу билан бирга, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва туризм каби соҳалардаги қўшма дастурлар муҳокама қилинди.

Эътиборлиси, иқтисодиёт, транспорт, АКТ, фармацевтика, кадрлар тайёрлаш каби муҳим йўналишларни ўз ичига олган икки томонлама ҳужжатлар тўплами имзолангани ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир. Қабул қилинган келишувлар 2023 йилда 2,46 миллиард долларга етган рекорд даражадаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистонда минтақавий юқори технологияли хабни ташкил этиш бўйича Стратегик дастурни тайёрлашда томонларнинг келишуви ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Мен ушбу дастур доирасида муҳим минерал ресурслар, яримўтказгичлар ишлаб чиқариш, "яшил" водород, аммиак ва каучук маҳсулотлари соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш, машинасозлик соҳасида алоқаларни чуқурлаштириш, "ақлли" қишлоқ хўжалигини яратиш, инфратузилмани модернизация қилиш ва шаҳарсозлик дастурларини амалга ошириш бўйича илгари сурилган таклифларни қўллаб-қувватлайман.

Ушбу ташриф ва 2025 йилни "Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги алмашинувлар йили" деб эълон қилиниши Ўзбекистон — Корея Республикаси стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга хизмат қилишига ишонаман.

**"Дунё" АА**

**Жиддий текширувларга қарамай, баъзан экспорт қилинган маҳсулотлар импортчи давлат томонидан қайтариб юборилган ҳолатлар ҳам қулоғимизга чалинади. Бу, албатта, сифатнинг талабга жавоб бермаслиги билан боғлиқ. Унинг оқибатларидан барча иштирокчилар бирдек зарар кўради, янада ёмонроғи, юртимиз брендига нисбатан ишонч пасайишига олиб келади.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 15 июнь, 118-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Янгича ёндашувлар



# Фитосанитар хавфсизлик кафолати

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ АСОСИЙ ТАШҚИ БОЗОР БИЛАН АЛОҚАЛАРИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

**Нафақат сифатли, балки чиройли кўринишдаги, дид билан қадоқланган, ҳар хил касалланишлардан холи озиқ-овқат маҳсулотларининг бозори доим чаққон. Ҳозир халқаро стандартлар қўяётган талаб ҳам шундай — импортчи давлат мева-сабзавотларни харид қилишда фитосанитар хавфсизлик талабларига жиддий эътибор қаратяпти.**



**Ирода ТОШМАТОВА,**
*“Янги Ўзбекистон” мухбири*

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, Ўзбекистон жорий йилнинг тўрт ойида хориж давлатларига қиймати 300 миллион долларга яқин бўлган 514,8 минг тонна мева-сабзавот экспорт қилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 43,3 фоиз кўп ва режа қилинганидек, мазкур йўналишдаги экспорт ҳажми тобора ортиб боряпти. Харидор мамлакатлар географияси ҳам кенгайган. Шунга қарамай, экспортдаги асосий ҳамкор давлатлар қаторида Россия етакчилик қилмоқда.

Ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор. Кейинги йилларда нафақат экспорт кўламини ошириш, балки озиқ-овқат маҳсулотлари сифати, фитосанитар хавфсизлигига ҳам эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда ўтган ой охирида Россия Президенти Владимир Путиннинг Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида тегишли тузилмалар иштирокида турли соҳалар қатори фитосанитария йўналишида ҳам янги ҳамкорлик келишувлари имзоланди. Ўсимликлар карантини соҳасида рақамли ҳамкорлик бўйича битим ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида 2024-2025 йилларга мўлжалланган карантин ва ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси шулар жумласидан.

— Мазкур келишувлар орқали давлатларимиз ўртасида маҳсулот етказиб бериш ҳажмини ошириш, жўнатмалар талафотсиз етиб боришини таъминлаш ҳамда юкларни қайта ишлашда харажатларни камайтиришга қаратилган икки томонлама интеграцияга эришиш кўзда тутилган, — дейди Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Бобур Ҳамроев. — Бунда асосий эътибор жараёнларни рақамлаштиришга қаратилади. Яъни ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали юк ҳаракатини кузатиш, ташқи савдо жараёнларини соддалаштириш ва электрон (қоғозсиз) ҳужжатлар алмашинувини жорий этиш кенгайтирилади. Боиси, энг замонавий технологиялар ёрдамида экспорт маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш ҳозирги кунда жуда муҳим масала. Рақобат ортиб бораётган бозор шароитида бу борадаги ишончни йўқотиш экспорт ҳажми сезиларли пасайишига олиб келиши мумкин. Агентлигимиз делегацияси Россияда бўлиб, экспорт ҳажмини ошириш билан боғлиқ масалаларни ўрганганида, ушбу бозорда юртимиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб ортиб бораётганига гувоҳ бўлдик. “Росселхознадзор” ташкилоти раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи Александр Баев маълумотларига кўра, мамлакат ҳудудларига 10 дан ортиқ давлатдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импорт қилинса-да, умумий ҳажмнинг 91 фоизини Ўзбекистонда етиштирилган мева-сабзавот, дуккакли ва қуритилган маҳсулотлар ҳамда манзарали гуллар ташкил этади. 2023 йил импорт ҳажми ундан олдинги йилдагига нисбатан 30 фоиз ошган ва ўсиш суръати тезлашиб боряпти. Хусусан, жорий йил бошидан буён юртимиздан Россияга 156 минг тонна мева-сабзавот экспорт қилиниб, ўтган йилдагига нисбатан 26 фоиз ўсиш кузатилди.

Сифат масаласида ҳам натижалар янгиланмоқда. Одатдагидек халқаро талаблар асосида диёримиздан борган ҳар бир экспорт жўнатмасидан намуналар олиниб, лаборатория экспертизасидан ўтказилади. Натижага кўра, ўтган йили Ўзбекистон маҳсулотида 4 турдаги карантин организмлари аниқланган ва йўқ қилинган. Бироқ жорий йилнинг шу даврига қадар ҳали бирорта зарарли организм, хусусан, энг хавфли вируслардан ҳисобланган помидорнинг жигарранг вируси қайд этилмаган. Яъни мамлакатимиздан экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида зарарли организмлар аниқланиши кескин камайиб бормоқда. Бу эса импортчи давлатнинг ишончи ва талабини янада оширяпти. Ишончни доимий сақлаб қолиш зарур. Шу боис, эндиги мақсад экспорт ҳажмини ошириш баробарида фитосанитар хавфсизликни қатъий таъминлаш, мамлакатлараро карантин ости объектлари тарқалишининг олдини олишга қаратилган.

### Қарс икки қўлдан чиқади

Россия узоқ йиллардан буён Ўзбекистон маҳсулотлари экспорти учун катта бозор саналади. Бу, аввало, талаб мавжудлиги билан боғлиқ. Юртимизда етиштирилаётган, қуёш нурига тўйинган мазали ва сархил мева-сабзавот Россияда жуда харидоргир, ўзига хос брендга айланган, деса ҳам бўлади. Ушбу давлатга Ўзбекистондан барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини фитосанитар сертификат асосида экспорт қилиш мумкин. Айниқса, мева-сабзавот ҳамда қуритилган маҳсулотларга талаб юқори.



Импортчи мамлакатда Ўзбекистоннинг асосий ҳўл мева маҳсулотларига нисбатан аввал амал қилган 20 фоизли ҚҚС ўрнига 10 фоизли ставка жорий этилгани ҳам ушбу бозорга кириш имкониятларини янада кенгайтирмоқда.

Аммо маҳсулотга талаб бор, дегани ҳар қандай сифат қабул қилинишини англатмайди. Юқорида таъкидланганидек, ҳозир ҳамкорликнинг асосий шарти экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг фитосанитар хавфсизлиги кафолатига қаратилмоқда. Маҳсулот Россия бозорига кириб бориши учун зарарли организмлар, тупроқ, бегона ўтлар уруғларидан холи ҳамда халқаро стандартларга мувофиқ фитосанитария сертификатига эга бўлиши лозим.

Халқаро тартиб-тамойилларга асосан, Ўзбекистондан экспорт қилинадиган маҳсулотлар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳузуридаги марказий фитосанитария лабораториясида экспертизадан ўтказилади. Марказий Осиёда ягона мазкур лаборатория халқаро аккредитациядан ўтган бўлиб, тузилма томонидан тақдим этиладиган хулосалар асосида мева-сабзавотлар экспорти амалга оширилади. Марказ энг сўнгги русумдаги замонавий ускуналар билан жиҳозланган, бугунги кунда 6 та йўналишда фитосанитария экспертизалари ўтказиш, касаллик ва зараркунандаларни аниқлаш имконияти мавжуд. Авваллари бизда бор ускуналар билан ўсимликларда учрайдиган вирус ва бактерияларни аниқлашнинг имкони бўлмаган. Ваҳоланки, ҳозир жаҳонда улар ҳашарот ва зараркунандалардан-да хавфлироқ саналмоқда. Айни шароитда уларни аниқлаш қийинчилик туғдирмайди.

Жорий йилнинг шу даврига қадар экспорт маҳсулотлари бўйича 49 мингта экспертиза ўтказилиб, 380 ҳолатда 11 турдаги карантин объектлари аниқланди ва тегишли фитосанитария чоралари кўрилди.

Жиддий текширувларга қарамай, баъзан экспорт қилинган маҳсулотлар импортчи давлат томонидан қайтариб юборилган ҳолатлар ҳам қулоғимизга чалинади. Бу, албатта, сифатнинг талабга жавоб бермаслиги билан боғлиқ. Унинг оқибатларидан барча иштирокчилар бирдек зарар кўради, янада ёмонроғи, юртимиз брендига нисбатан ишонч пасайишига олиб келади. Мутахассисларнинг айтишича, ўсимликлар зарарли касаллик келтириб чиқарувчи карантин остидаги зарарли организмлар ташувчиси бўлиши мумкин. Айниқса гул, кўчат, ўсимлик илдизлари, туганак, уруғ, пиёзбош ва бошқа турдаги ўсимлик намуналари юқори хавфга эга карантин ости маҳсулоти ҳисобланади. Уларнинг намуналарида бегона ўт уруғлари, карантин остидаги зарарли организмлар аниқланган тақдирда маҳсулотлар ортга қайтарилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тааллуқли кутилмаган ҳолатлар эса ҳажм билан боғлиқ бўлиши мумкин. Яъни уларнинг фитосанитар тозалигини текшириш учун ҳар бир партиядан 5 донадан 1 килограммгача намуна олинади ва умумий партияга хулоса берилади. Шундай ҳолатларда маҳсулот бошқа давлатга етиб борганида касаллик ёки зарарли организмлар аниқланиши эҳтимоли мавжуд. Бироқ амалиётда юртимиздаги экспортчиларга туман инспекторлари бириктирилиб, маҳсулот етиштиришдан узишгача бўлган барча жараёнлар назоратда бўлгани боис, бу каби ҳолатлар камдан кам учрайди. Қолаверса, ўсимликлар карантини назорати остидаги маҳсулотлар сифати фитосанитар талабга жавоб бермайдиган ҳолларда хорижий давлатларга экспорт қилишга фитосанитария рухсатномаси расмийлаштирилмайди.

### Манзилгача назорат

Фитосанитар хавфсизлик қишлоқ хўжалиги объектлари ва ўсимлик маҳсулотларини зараркунандалар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш амалиёти бўлиб, ҳар бир давлатда миллий фитосанитария хизмати бор. Бу хизмат одатда чегара масканларида йўлга қўйилган. Юртимизда юкларни чегара масканларидан ўтказиш ва манзилга етказишда тадбиркорларга қулайликлар яратилиб, амалиётни тўлиқ рақамлаштиришга эътибор қаратилаётгани боиси шунда.

— Жумладан, экспортга йўналтирилаётган тез бузилувчи мева-сабзавотни карантин кўригидан ўтказиш ва ички фитосанитария сертификати расмийлаштиришда тезкорлик таъминланмоқда, — дейди Бобур Ҳамроев. — Халқаро намунадаги фитосанитария сертификати расмийлаштириш жараёнлари ҳам тезлашган. Ҳозир чегара пунктларида экспортга чиқаётган мева-сабзавот маҳсулотларига тегишли ҳужжатларнинг электрон база орқали текширилиши 3 дақиқадан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади. Тадбиркорлардан 6 турдаги қоғоз шаклидаги ҳужжат ўрнига 1 та электрон ариза олиш тизими жорий қилиниб, тузиладиган шартномалар тўлиқ онлайн оферта шаклига ўтказилган. Рухсатномаларни кўриб чиқиш муддатлари экспортда 10 кундан 1 кунгача, импортда 30 кундан 3 кунгача қисқартирилди. Рухсат этиш хусусиятига эга барча ҳужжатларда QR-kod тизими жорий этилди. Бугунги кунда 117 та ўсимликлар карантини чегара масканида 549 нафар ташқи карантин инспектори фаолият юритади. Инспекторлар 220 та махсус планшет ва 200 та қўл микроскопи билан таъминланган.

Маҳсулотнинг манзилгача етиб бориши ҳам доимий назоратда. Бу жараён “e-phyto.uz” ягона ахборот платформаси орқали амалга оширилади. Мазкур тизим МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича халқаро конвенциянинг “E-phyto” тармоғига уланган бўлиб, бу 116 та давлат билан электрон ҳужжат алмашинуви имконини беради.

Миллий ахборот платформаси Россиянинг қишлоқ хўжалиги назорати электрон тизими (Аргус-фито)га муваффақиятли интеграция қилинган. Унга Ўзбекистондан чиқиб кетадиган транспорт бирлиги, юкланган маҳсулот тури, лаборатория хулосаси ва фитосанитар сертификат тўғрисидаги маълумотлар киритиб борилади. Россия томони эса экспорт қилинаётган маҳсулотлар ҳақида олдиндан маълумот олиб, ҳужжатларни текшириш, аслига мослигини солиштириб кўриш имкониятига эга.



Кун мавзуси



# ЭКСПОРТ УЧУН УЧ ҚАДАМ КИФОЯ

**Лутфулла СУВОНОВ,**
*“Янги Ўзбекистон” мухбири*



**Бу йил баҳор фасли деҳқончилик учун қулай келди. Бободеҳқонларимиз мўл ҳосил етиштирмоқда. Айни пайтда ёзнинг илк ойи бўлишига қарамай, бозорларимиз мева-чева, полиз экинлари билан тўлиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нафақат ички бозорда сотиш, балки хорижга экспорт қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бугун айни йўналиш, яъни экспортёрларни қўллаб-қувватлаш мақсадида барча шароит, шу жумладан, божхона тизимида ҳам қатор қулайликлар яратилган.**

— Андижон вилоятида жойлашган хорижий корхонадан йилига 18 миллион долларлик маҳсулот экспорт қиламиз, — дейди тадбиркор Аббосбек Воҳидов. — Эски тизим экспортга маҳсулот чиқаришда қатор қийинчиликларни юзага келтирар эди. Шунинг учун экспорт жараёнида тўхталишлар, узилишлар бўларди. Ҳозир бу жараённи қисқа фурсатларда амалга ошириш имконияти яратилган. Масалан, биз “Экспорт уч қадамда” тизими асосида ишлаймиз. Унинг қулайлиги шундаки, олдин экспортни расмийлаштириш жараёнида бевосита божхона ходимларига мурожаат қилинган бўлса, ҳозир инсон омилисиз, яъни онлайн тарзда юк машиналаримиз бевосита чегара божхона пости орқали расмийлаштирилиб чиқиб кетяпти. Шунинг ҳисобига экспорт ҳажми ўсиб, маҳсулотларимизнинг буюртмачиларга тез ва сифатли етиб бориши таъминланяпти.

“Экспорт уч қадамда” тизими бугун Андижон вилояти божхона бошқармаси тасарруфидаги барча божхона постларида татбиқ этилмоқда. Лойиҳа жорий йил 25 мартдан экспорт божхона режимида жойлаштирилган товарлар, транспортда ташувлар учун ишга туширилган. Агар “қизил йўлак”ка тушган тадбиркор аниқланса, божхона ходимлари тадбиркорларга қулайлик яратиш мақсадида маҳсулот ортилаётган омборда божхона кўрикларини ўтказиб бермоқда.

Бу каби қулайлик ва имкониятлар натижасида Андижон ташқи иқтисодий фаолият божхона постида жорий йилнинг ўтган даврида 73 миллион долларликдан ортиқ маҳсулот экспорт божхона режими орқали чиқарилди. Шундан 7 миллион долларликка яқини қишлоқ хўжалиги маҳсулотидир.

### Марказий божхона лабораторияси

Президентимизнинг 2022 йил 27 апрелдаги божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир фармонида соҳани рақамли трансформация қилиш, хизматлар сифати ва тезкорлигини ошириш чора-тадбирлари белгиланган эди. Божхона қўмитасида бунёд этилган Божхона расмийлаштируви маркази ушбу чора-тадбирларнинг амалий натижаси бўлди.

Бу ердаги марказий божхона лабораторияси 2021 йилда Жаҳон божхона ташкилотининг минтақавий лабораторияси мақомини қўлга киритган, бошқача айтганда, дунё бўйлаб шундай мақомга эга 10 та лабораториядан бири ҳисобланади.

Йил бошидан буён бу ерда 430 дан зиёд божхона экспертизаси ўтказилди, бу давлат бюджетига божхона тўловлари тўғри ва тўлиқ ундирилишида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Кейинги вақтларда лабораторияда экспертиза турларини кенгайтириш ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳамиятлиси, шу вақтга қадар асосан, рус, инглиз ва француз тилларида қўлланиб келинган Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси жорий йилдан эътиборан илк бор ўзбек тилига таржима қилинди.

Жорий йил биринчи чорагининг ўзида экспортда 90 фоиз, импортда эса 80 фоиз божхона юк декларациялари соддалаштирилган тартибда расмийлаштирувдан ўтказилди. Экспортда декларацияларнинг 39 фоизи, импортда эса салкам 10 фоизи инсон омилисиз, сунъий интеллект кўмагида расмийлаштирилди.

Масофавий электрон декларациялаш постида дастлабки босқичда Тошкент шаҳри тадбиркорлари томонидан божхона идораларига масофадан туриб тақдим этиладиган божхона юк декларациялари тезкорлик билан расмийлаштирилаётган бўлса, кейинчалик барча расмийлаштирув жараёнлари қамраб олиниши режалаштирилган. Муҳими, бунда божхона ходимлари ва тадбиркорларнинг бевосита мулоқоти чекланган. Товарлар расмийлаштирувида тадбиркорлар харажатини қисқартиришга эришилмоқда.

### Ўзаро товар айланмаси 2,5 баробар кўпайди

МДҲга аъзо давлатлар ўртасида йилдан йилга ташқи савдо ўсиб бораётгани, айниқса, чегара божхона постлари орқали ҳаракатланаётган фуқаролар, товар ва транспорт воситалари сони ошиб бориши фаолиятни рақамлаштириш билан боғлиқ ишларни кенгайтиришни тақозо этмоқда.

— МДҲга аъзо давлатлар божхона хизматлари билан ўзаро муносабатларни ривожлантириш, савдо ва инвестициялар учун қулай шароит яратиш муҳим аҳамиятга эга, — дейди Божхона қўмитаси раиси Акмалхўжа Мавлонов. — Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон божхона хизматлари раҳбарлари кенгашининг яқинда бўлиб ўтган 78-йиғилишида бу борадаги ишларни янада яхшилаш, божхона назоратини ташкил этиш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, божхона экспертизаси, шунингдек, кенгаш фаолияти ҳамда ташкилий турдаги қатор масалалар кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар имзоланди.

Ташқи сиёсатда юритилаётган очиқ, фаол ва конструктив мулоқот Ўзбекистон ва МДҲ аъзолари ўртасида сўнгги 7 йилликдаги кўрсаткичларда ҳам муносиб ифодасини топмоқда. Хусусан, мамлакатимизнинг тузилмага аъзо давлатлар билан ўзаро товар айланмаси бу даврда 2,5 баробар кўпайди.

МДҲ доирасида мавжуд техник майдонча ва платформаларда электрон тижоратни янада ривожлантириш, бунда мавжуд тўсиқларни зудлик билан бартараф қилишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу борада Ўзбекистон божхона хизмати қатор натижаларга эришди. Жумладан, хавфларни таҳлил қилиш орқали бизнесни қўллаб-қувватлашга асосланган рақамли инфратузилмага асос солинди.

МДҲга аъзо давлатлар ўртасида йўлга қўйилган икки томонлама ҳамкорлик доирасида қатор соҳаларда ахборот алмашилади. Лекин айрим маълумотлар ҳамон қоғоз шаклида алмашилинаётгани ташқи савдо тезкорлигига халал бермоқда.

Масалан, томонлар бир-бирига божхона имтиёзларини тақдим қилишда ҳал қилувчи ҳужжат саналувчи сертификатларни ҳалигача қоғоз шаклида тақдим этмоқда. Ўзбекистон томони МДҲга аъзо давлатлар ўртасида ушбу ҳужжатни рақамли шаклда алмашишни йўлга қўйиш ташаббусини илгари суриб келмоқда. Шунингдек, контрафакт товарларнинг трансчегаравий олиб ўтилишига қарши курашиш ҳамда молиявий операцияларда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйишда ўзаро ахборот алмашиш амалиётини кенгайтириш ташаббуси билдирилди. Бу эса МДҲнинг 2030 йилгача бўлган даврда иқтисодий ривожланиш стратегиясида белгиланган мақсадларга биргаликда эришишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳаётимизнинг ҳар жабҳасида кечаётган янгиланишлар замирида аҳоли фаровонлигини ошириш, иқтисодий салоҳиятни юксалтириш каби эзгу мақсадлар мужассам. Бу божхона тизимидаги ўзгаришларда ҳам намоён бўлади.

Хусусан, тизимга “Рақамли божхона” тамойили кенг жорий қилинаётгани ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ҳам вақти, ҳам харажатини тежашга хизмат қилмоқда. Кенг миқёсда жорий қилинаётган “Хавфларни бошқариш”, “Ягона дарча” каби божхона ахборот тизимлари ва электрон хизматлар кўмагида божхона назорати ҳамда расмийлаштирувига сарфланаётган вақт тобора қисқармоқда.

Соҳани рақамлаштириш мақсадида 12 та ахборот тизими, 4 та интерактив хизмат ва 5 та мобил илова амалиётга жорий этилди. Ушбу даврда ташқи савдо айланмаси 21 фоиз, ҳаракатланган автотранспорт ва темир йўл вагонлари сони 45 фоиз, йўловчилар сони 2,2 баробар ёки 13,1 миллион нафар ортган бўлса-да, соҳани рақамлаштириш ҳисобига божхона расмийлаштируви вақти 2 баробар қисқарди.

Бу каби ўзгаришлар иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, инвестицион салоҳиятни ошириш, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун қулай ишбилармонлик муҳити яратиш ва божхона органлари фаолияти шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мулоҳаза

# ВАТАНПАРВАРЛИК ҚАНДАЙ ИДРОК ЭТИЛАДИ?





**Мамлакатимизда ёшларни ватанга муҳаббат, жасорат, дўстлик, садоқат руҳида тарбиялаш эртанги кун учун хизмат қилади. Уларни ўз домига тортишга интилаётган ёт мафкуралар, ғоявий таҳдид ва ахлоқий инқироздан ҳимоя қилиш нафақат ота-оналарнинг, балки барчанинг асосий вазифасига айланди.**

**Отабек ҒАЙБУЛЛАЕВ,**
*Самарқанд давлат чет тиллар институти биринчи проректори, фалсафа фанлари доктори, профессор*

Кейинги йилларда мамлакатимизда қабул қилинган концепция ва ҳаракат дастурларида белгиланган маънавий-маърифий ислоҳотлар самараси ёшлар онгида ватан туйғусини кучайтиришга қаратилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2023-2027 йилларда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари самарадорлигини ошириш концепциясида “Уч авлод учрашуви”, “Эъзоз ва эҳтиром” маънавий-маърифий тадбирлари, ёшларнинг “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси, “Шон-шараф” ва Қуролли Кучлар давлат музейи ҳамда вилоятларда, ҳарбий округ, ҳарбий қисм ва муассасаларда фаолият юритаётган музейлар, “Ватанпарварлар” боғларига ташрифини ташкил этиш белгиланганлиги ватанпарварлик туйғусини кучайтиради. Бу масканлар халқимиз орасида минг йиллар давомида шаклланган ватанпарварлик ғоялари ҳақида ҳикоя қилади.

Турон ҳудудида қадимги туркий ва форсийзабон элатларнинг инсон камолоти, ватанга муҳаббати, ватанни ҳимоя қилишдаги жасорати ҳақидаги маълумотлар бизга Геродотнинг “Тарих”, Страбоннинг “География”, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотит турк” асарлари, Ўрхун-Энасой битиклари ва бошқа қатор ёзма ёдгорликлар орқали етиб келган. Турон заминида ватанпарварлик азалдан энг муҳим маънавий-ахлоқий қадрият ҳисобланган. Хусусан, Геродотнинг “Тарих” китобида “сак ва массагетлар инсонда энг шарафлайдиган жиҳат ватанпарварликдир”, дейилган. Шунга кўра, улар болаларни беш ёшдан йигирма ёшгача фақат уч кўникмага: отда юриш, камондан отиш ва ватан йўлида жасур, мард, адолатли бўлишга ўргатган, дея таъкидланади.

Шарқда ватанпарварлик тўғрисидаги фалсафий ғояларнинг энг қадимги типологияси “Авесто”даги ижтимоий-фалсафий, ахлоқий, сиёсий тажрибаларда ўз ифодасини топган. Унда ватан, ватанпарварлик аҳамияти улуғланиб, илҳомлантирувчи, рағбатлантирувчи даъватларни кўп учратамиз.

Шарқ мутафаккири Абу Наср Форобий инсон камолотини ватанпарварлик билан боғлайди ҳамда “Аллоҳ инъом этган ақл неъматидан мавжуд имконият даражасида фойдаланмасдан туриб, етук инсон мартабасига эришиб бўлмайди. Чунки инсон дунё тараққиётининг энг мукаммал ва етук якунидир”, деб эътироф этади. Унинг таъбирича, жамият ва халқларнинг бир-бирига ёрдами, ватанпарварлик, тенг ҳуқуқлилик, адолатпарварлик тамойиллари фозил давлатнинг маънавий юксалишига хизмат қилади.

Амир Темур “Тузуклар”ида давлат бошқарувидаги ўн икки тамойилининг тўртинчи, олтинчи, ўнинчисида ватанга садоқат, ватанпарварлик масалалари баён этилган. Хусусан, тўртинчи тузукда давлат ишларини қонун-қоидаларга асосланган ҳолда бошқариш, фуқароларда ватанга муҳаббатни тарбиялаш, ватан хоинларига қўлланган жазо чоралари масалалари ёритилган.



Абу Райҳон Беруний “Инсоннинг ташқи қиёфаси табиат инъомидир, уни ўзгартиришнинг имконияти йўқ. Бироқ ахлоқий қиёфасини ўзгартириш инсоннинг ўз қўлида. Демак, уни ёмон хулқдан яхши фазилатлар томон айлантириш имкониятлари чексиз”, деб таъкидлайди. Мутафаккир фикрича, ахлоқий қиёфанинг биринчи мезони ватанпарварликдир. Чунки ватан туйғусини ҳис қилган инсонгина маънавий камолотга эришиши мумкин.

“Темур тузуклари”, ўз навбатида, ҳукмдорларнинг турмуш тарзи ва одоб-ахлоқ нормаларини белгиловчи рисола ҳамдир. Соҳибқирон ватанпарварликка амал қилиш ҳақида бундай ёзади: “Салтанат қуриш, давлат ишларини ўн икки тузукка боғладим ва салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма (дастуруламал) ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим ва авлодимдан бўлганларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсин”. Амир Темурнинг давлат бошқарувидаги ўн икки тамойилининг тўртинчи, олтинчи, ўнинчисида ватанга садоқат, ватанпарварлик масалалари баён этилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ҳам ватанни севишга ёрқин мисол бўла олади. Ўз даврининг йирик ва қудратли давлатларидан бири — Ҳиндистондек мамлакат ҳукмдори бўла туриб, бир умр Андижонни, сўлим Фарғонани, боболаридан мерос Самарқандни қўмсаб ўтди. Ижодининг салмоқли қисмини ватан соғинчига бағишлади. Ватандан жудолик инсон учун энг катта бахтсизликдир. Буюк давлат подшоҳи бўла туриб, унинг бунчалик афсус-надомат чекишига нима сабаб бўлди? Бунга сабаб юрт меҳри, ватан ишқи эмасми?!

Ёшларимиз учун чинакам ватанпарварлик намунаси жадид боболаримиз таълимотида акс этган. Улар дунё аҳамиятига молик ватанпарварлик, инсонпарварлик ва миллий қадриятларга асосланиб, жамият тараққиётининг етилган эҳтиёжи ва ўлканинг туб аҳолиси манфаатига жавоб берди. Жадидлар матбуоти ана шундай ҳаққонийлик ва жасорат намунаси бўлиб, миллий ўзликни англаш, миллий ифтихор ва ватанпарварлик, халқ тақдири учун масъулият туйғуларини шакллантира олди.

Бу даврда яшаган маърифатпарвар боболаримизнинг асл мақсади ватан мустақиллиги ва равнақи масаласи эди. Айнан шунинг учун улар халқимизни билимли қилишга бор кучини сарфлади, мактаблар очди, китоб ва журналлар чоп эттирди, театр жамоалари тузиб, аҳолини маърифатга ундади. Биринчи ўзбек педагоги Абдулла Авлонийнинг “Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ” асарида “Ҳаммага маълумдурки, энг муқаддас диний еримиз ўлан Арабистонга боғларини, ҳовлиларини сотуб ҳижрат қилган ҳожиларимизнинг аксари яна ўз ватанларига қайтуб келурлар. Бунинг сабаби, яъни буларни тортиб кетурган қувват ўз ватанларининг, тупроқларининг меҳру маҳаббатидур”, деб бежиз таъкидламаган. Мутафаккир аждодларимиз мероси доимо ҳалол меҳнат билан яшаш, ватанпарварлик, мардлик, саховат ва камтарликка чақириши билан катта аҳамият касб этади.

Ватанпарварлик асосан, “юрт”, “ота макон”, “она ватан” каби ижтимоий-жуғрофий тушунчалар орқали идрок этилади. Миллат яратган артефактлар, маданий бойликлар, тил, ёзув ва тарих шахсда фахр ҳиссини уйғотиши керак. Ватани ва миллатини севадиган, улар равнақига, тинч-осуда яшашига ҳамда тадрижий ривожига хизмат қиладиган инсон ватанпарвардир.

Бугунги глобаллашув жараёнида она деган улуғ номга эга бўлган ёш келин ва қизларимиз ватанпарварликка хизмат қиладиган она меҳрини фарзандига қандай бермоқда? Бу масала ҳам кундалик турмушимизда кўплаб саволларни келтириб чиқаради. Чунки айрим оналар ватанпарварлик туйғуси шаклланадиган паллада гўдагини чилласи чиқар-чиқмас, энагага топшириши, ўзи эса иш жойига муддатидан олдин қайтиши ёшлар келажагини ўзгартириши мумкин. Бундай тарбия фарзандда онасидан кўра, энагага меҳрнинг шаклланишига сабаб бўлади. Қолаверса, ватан туйғусининг гўдак қалбига оналик меҳри орқали сингиб бормаслиги натижасида кейинчалик фарзанд онгида космополитик ғоялар шаклланиши мумкин.

Ёшларда тарихий хотирани шакллантириш ва ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлашда миллий маданият, тарихий қадамжолар, миллий қаҳрамонлар, маданий обидалар алоҳида аҳамиятга эга. Тарихий хотирасиз ёшларда ватанга қизиқиш уйғотиб, ватанпарварлик туйғуларига замин яратиб бўлмайди. 2,5 минг йил муқаддам буюк файласуф ва мутафаккир Лао Цзи “Дунёда ҳамма нарса ўсади, гуллайди ва ўз илдизларига қайтади”, деб айтган. Бу ҳақиқат тарихий дунёқараш ва миллий ўзликни англашга ишорадир.

Президентимиз 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Буюк аллома ва адибларимиз, азиз-авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак”, дея таъкидлади. Айнан мана шундай ишларни такомиллаштириш мақсадида “Ўзбекистон тарихи” канали очилди. Ҳозир у ёшларни ватанга муҳаббат, тарихий меросни англаш, асраб-авайлаш руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Сўнгги йилларда ўзбек киноси тарихида илк маротаба ўзбек жадидлари ватанпарварлиги ҳақида ҳикоя қилувчи янги кинокартиналар маърифатпарвар, шоир ва жамоат арбоблари фаолиятига бағишлаб ишланган “Авлоний”, “Ибрат” ва “Беҳбудий”, “Баҳодир Ялангтўш” бадиий фильмларини катта янгилик сифатида эътироф этиш мумкин.

Ёшларда ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш, улар орасида маънавий таҳдидларга қарши курашда бебаҳо қадриятлар ва буюк мутафаккирлар асарларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бу асарлар умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросини янада бойитиш, ёшларнинг интеллектуал имкониятларини эркин намоён қилишда асосий омилдир.

Ватанпарварлик ҳиссининг шаклланиш жараёни мамлакатимиздаги модернизациялашув ва чуқур демократик ислоҳотларнинг муҳим қисмидир. Ижтимоий, иқтисодий янгиланишлар жараёнининг кенгайиб бориши, эришилган ва кутилаётган ижобий кўрсаткичлар бугунги ёшларнинг юксак ватанпарварлиги, жамиятда вужудга келган вазифалар ечимига онгли муносабатда бўлиши натижасидир. Уларнинг онги, шуурини эгаллашга қаратилган маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда маънавий таҳдидларнинг асосий йўналишлари, келиб чиқиш сабаблари, манбалари, тарқатилаётган ахборотлар мазмунини фош қилиш, шунингдек, фарзандларимизга янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланиб, илмий-услубий асосда, юқори малакали педагоглар ёрдамида тушунтириш лозим. Таълим муассасаларида интернетдан фойдаланиш маданиятини юксалтиришга қаратилган тизимли тарбиявий соатларни йўлга қўйиш, дарсдан ташқари вақтларда фанлар бўйича ташкил этилган илмий тўгаракларда интернетдан фойдаланиш қоидаларини тарғиб қилиш замон талабидир. Маънавий таҳдидларнинг мазмуни, мақсади, тарқатилишини ёшларга тушунтириш учун таълим-тарбия жараёнида педагогик технологияларнинг янги авлоди имкониятлари, жумладан, ахборот-коммуникация воситаларидан самарали фойдаланиш, телевидениедаги таълим ва фан дастурлари орқали ёшларга мўлжалланган, интернетдан фойдаланиш усули, маънавий таҳдидларнинг зарарли натижаларига бағишланган кўрсатувлар ташкил этиш лозим.

Бугун ёшларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, барча соҳада иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шароит ва имконият яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналишидир. Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш ҳамда янги Ўзбекистоннинг тадрижий ривожига ватанпарвар шахс сифатида ҳисса қўшиш ватандошларимизнинг эзгу орзу-умидларидан бирига айланмоғи керак. Юртимиздаги истиқболли режалар ва туб демократик ислоҳотлар ватанпарварлик тарбиясини янгича парадигма, қараш ва ёндашувлар асосида олиб боришни тақозо этмоқда. Ёшларнинг онгу тафаккури ва қалбида ватанпарварлик туйғулари “Янги Ўзбекистон”, “Учинчи Ренессанс сари”, “Армия ва халқ — бир тану бир жон”, “Бир зиёли — бир маҳаллага маънавий ҳомий”, “Ҳар бир нуроний — беш нафар ёшга мураббий”, “Бир болага етти маҳалла — ота-она”, “Жаҳолатга қарши маърифат, ғояга қарши ғоя билан курашиш”, “Биз ғурури, орияти, маънавияти баланд халқмиз”, “Янги Ўзбекистон — маърифатпарвар давлат”, “Буюк саркардаларимизнинг жасорати ва ҳарбий мероси”, “Маърифат ва диний бағрикенглик”, “Миллатнинг дардига дармон бўлмоқ чин вазифангиздир” , “Инсон қадри учун” ғоялари орқали сингдириб борилади.

Янги Ўзбекистон ёшларида ватанпарварликни шакллантириш стратегиясида мавжуд тажрибани модернизация қилиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг инновацион ва креатив тенденцияларини ишлаб чиқиш ва самарали фойдаланиш бугунги глобаллашган давр талабидир.

“Париж-2024”

# БОКСЧИ ҚИЗНИНГ ҒАЛАБАЛАРИ ОЛДИНДА

**Мураббий одатига кўра, ҳар ойнинг сўнгги кунлари шогирдларини рингга чиқариб, билим ва кўникмасини синовдан ўтказиб олади. Бугун ҳам спортчилар учун кўрикдан ўтадиган кун. Устоз навбати билан рингга кўтарилган ёшларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини баҳолаб, камчиликларини шу жойнинг ўзида айтиб, тўғрилаб кетишга ундамоқда.**

Қизғин жараёнга киришиб кетган мураббий ринг яқинига келиб, синчковлик билан боксчиларнинг ҳаракатига қизиқиш билан қараб турган қизалоққа кўзи тушди. Аввалига уни шунчаки томошабин, деб ўйлади. Орадан анча вақт ўтса-да, қизалоқ бу ердан кетишни хаёлига ҳам келтирмасди. Аксинча, бир жойда турганча қўлини ҳаракатга келтириб, гўё ўзи бокс тушаётгандек эди. Бир оз танаффус эълон қилган устоз секин қизчанинг олдига келиб, уни суҳбатга тортди.

— Бокс тушишни яхши кўрасанми?

— Албатта, лекин қизларга рухсат беришмаса керак, — дея бир оз хижолат тортган бўлди.

— Нечанчи синфда ўқийсан?

— Олтинчида.

— Рухсат берсам, шуғулланган бўлармидинг, — дея устоз уни синаб кўрмоқчи бўлди.

— Ҳа, телевизорда боксчиларнинг жангини кўриб, анча-мунча ҳаракатларни ўрганганман. Хоҳласангиз, рингга чиқариб кўринг. Манавилар билан бемалол куч синаша оламан.

Шу қисқа суҳбат сабаб қизалоқ Олот туманидаги спорт мактабининг бокс тўгарагига қабул қилинди. Гарчи у пайтлар бирор қиз бу спорт тури билан шуғулланмаса-да, якка ўзи ўғил болалардан кам бўлмай, машғулотларда иштирок этарди. Гоҳида чарм қўлқоп кийиб, тенгдош ўғил болаларни мағлубиятга учратганини кўрган кўпчилик ҳайратланмай қолмасди.

Тўгаракка яширинча аъзо бўлган Сабинанинг бокс билан шуғулланаётганини кўп ўтмай, ота-онаси сезиб қолди. Бошида бир оз қаршилик қилди. Аммо қизнинг аҳдидан қайтмаганини кўриб, бирор кун барибир ташлаб кетиши аниқ, дея ўз ҳолига қўйишди. Ажабланарлиси, Сабина бирор марта машғулотни канда қилмади. Спортга қизиқиши тобора ошса ошдики, сира камаймади. Ўз устида тинимсиз ишлаши, кескин ҳаракати, ғолиблик сари дадил интилиши уни катта спорт майдонлари томон етаклади. Қизининг икки-уч бор мусобақалардан олтин медаль олиб келгани гувоҳи бўлган ота-онаси спорт билан шуғулланиши учун қаршилик қилмайдиган, аксинча, керакли имконият яратиб берадиган бўлди.

— Илк бор мусобақадаги иштироким ҳеч ёдимдан чиқмайди, — дейди Сабина Furthermore Бобоқулова. — Ўшанда болалар ва ўсмирлар ўртасида Бухоро вилояти биринчилиги ўтказилаётган эди. Устозим менга ишонч билдириб, синов тариқасида рингга чиқишимга розилик берганди. Бошида бир оз ҳаяжон босди. Лекин рингга чиқиб, жанг бошлаганимда ўзимда бошқача куч сездим. Спорт мактабимизда фақат ўғил болалар билан куч синашиб юрганим туфайлими, рингдаги қиз рақибларим негадир заифдек кўринди. Дастлабки учрашувдаёқ қийинчиликсиз ғалаба қозондим. Бу ҳолат финалга қадар давом этди. Якуний босқичда ҳам тўхтовсиз зарба берганим туфайли ҳакамнинг ўзи тўхтатиб, биринчи ўрин соҳиби, деб эълон қилиб юборди. Ўшанда мураббийим бу ҳаракатларимга ажабланганча қараб қолганди. Чунки рингга чиқишим билан ҳеч ким тўхтатиб қолишини хоҳламай, фақат рақибни енгиш ҳақида ўйлаганман. Шунинг учун бўлса керак, менга “Энг яхши боксчи қиз” номинацияси ҳам берилган. Дастлабки синовдан муваффақиятли ўтгандим. Шундан сўнг ҳар бир турнирда иштирок этадиган бўлдим. Устозим хавотирсиз жангга чиқарар, натижа, албатта, ғалабам билан якун топарди.

Бокс тўгарагига 14 ёшдан қатнаб, илк мусобақасини ғалаба билан бошлаган Сабинанинг зафарли юришлари шу кунгача тўхтагани йўқ. У ҳозирга қадар тўрт марта Ўзбекистон ва Осиё чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлди. Йигирмага яқин халқаро турнирда иштирок этиб, ўз вазни бўйича шоҳсупанинг биринчи поғонасини ҳеч кимга бермаган.

— Биринчи бор қўлимга чарм қўлқоп кийдириб, бокс майдони сари етаклаган киши Улуғбек Баратов бўлади, — дейди Сабина. — Ундан спорт сирларини ўргандим. Бокс ортидан бир неча давлатда бўлдим. Қатор нуфузли баҳсларда иштирок этдим. Ҳар гал рингга кўтарилганимда устозим ўгитига амал қилиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга интилиб келяпман. Биласизми, ўзга давлатларда юрганимизда ватан қадрини янада чуқур англаймиз. Қаерда бўлмайлик ўзимизча таққослашга, яхши-ёмонини фарқлашга интиламиз. Лекин барибир мамлакатимиздек бағрикенг, меҳридарё ўлка дунёда бўлмаса керак. Шундай диёр фарзанди бўлганимдан ғурурланаман. Насиб этса, яқин кунларда Парижда ўтказиладиган ёзги олимпия ўйинларида ҳам фақат олтин медаль учун курашаман. Ўзбек бокс мактабидан етишиб чиққан спортчилар аввалги Олимпиада ўйинларида ҳам нималарга қодирлигини амалда намоён қилди. Биз ҳам шу анъанага содиқ қолиб, юртимизга фақат яхши кўрсаткич билан қайтамиз.






Олти йилдирки бокс бўйича мамлакат терма жамоаси сафида шуғулланиб келаётган Сабина Бобоқулова шу пайтгача деярли бирорта мусобақада мағлубиятга учрамаган. Унинг натижаларига эътибор қаратсак, шонли ғалабаларига гувоҳ бўламиз. Жумладан, у БААда 2019 йил ўсмирлар ва 2021 йил ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатларида олтин медални қўлга киритган. 2022 йили Тошкент, 2023 йили Бангкок мезбонлик қилган қитъа биринчиликларида ҳам шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олган.



Сабина Бобоқулова жорий йил 3-11 мартида Италияда ўтган жаҳон лицензион турниридаги муваффақиятли иштироки орқали -50 килограмм вазн тоифасида “Париж-2024” ёзги олимпия ўйинлари йўлланмасига сазовор бўлган. Унинг вазнида рингга чиқадиган амалдаги олимпия чемпиони аллақачон спортни тарк этган.

Ёш боксчимиз олимпия ўйинларида олтин медални қўлга киритиб қайтгач, ўзини профессионал боксда синаб кўриш истагида. Демак, тез орада профессионаллар орасида ўзбек қизининг шов-шувли ғалабалари эътироф этила бошлаши аниқ.

**Акбар РАҲМОНОВ,**
*“Янги Ўзбекистон” мухбири*

**Бухоронинг сайёҳлик имкониятини ошириш доирасида кўплаб чора-тадбирлар кўрилмоқда. Айни пайтга келиб шаҳардаги меҳмонхоналар сони 198 тага, оилавий меҳмон уйлари 268 тага, хостеллар 73 тага етди. Жорий йилда яна 8 та меҳмонхона, 1 та хостел, 16 та оилавий меҳмон уйи очилади.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Туризм



# Бухорога қайси мамлакатдан энг кўп сайёҳ келади?



**Бухоро табаррук қадамжолари, мафтункор тарихий обидалари, ўзига хос кўчалари, меҳмондўст аҳолиси билан машҳур. У ислом динининг маркази, шариф ва фахрли шаҳар, шаҳарлар имоми, деб ҳам эъзозланади. Шаҳарнинг маркази UNESCO жаҳон мероси рўйхатига киритилган.**



**Олим ОСТОНАҚУЛОВ,**
*иқтисодиёт фанлари доктори, профессор*

Вилоятда кўплаб қадимий масжид ва мадрасалар мавжуд. Уларни зиёрат қилиш сайёҳларга ислом меъморчилиги ва маданиятининг бебаҳо мероси билан яқиндан танишиш имконини беради. Уларнинг ҳар бири чуқур тарихий илдизга эга, Бухоро тараққиётининг турли босқичларини ифода этади.

Масалан, Кўкалдош мадрасаси нафис нақшинкор кўриниши билан бой ўзбек меъморчилигининг ноёб қирраларини очиб беради. Калон масжиди йирик кўлами ва бетакрор меъморчилиги ила ҳар қандай сайёҳни ҳайратга солади. Исмоил Сомоний мақбараси эса Бухоронинг бой маданий меросини ифодаловчи энг қадимий ёдгорликлардан. Мазкур объектларнинг ҳар бири ўзбек меъморчилиги дурдоналари бўлибгина қолмай, уларни барпо этганларнинг ҳаёти ва эътиқоди тўғрисида ҳикоя қилувчи бебаҳо тарихий маълумотларни ўз ичига олган. Эски шаҳарга ташриф нафақат ислом меъморчилигининг гўзаллигидан баҳра олиш, балки давр руҳини ҳис қилиш, Бухоро маданий меросининг қадр-қимматини англаш имконини беради.

Бугун зиёрат туризми ривожланган Индонезия, Малайзия, Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш ва араб давлатларидан зиёратчиларни мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари, хусусан, Бухорога жалб этиш асосий вазифа сифатида белгилаб олинган. Абдухолиқ Ғиждувоний, Ориф Ревгарий, Анжир Фағнавий, Али Ромитаний, Бобойи Самосий, Амир Кулол ва Баҳоуддин Нақшбанд шу заминда мангу қўним топгани зиёрат туризми йўналиши учун асосдир.

Таниқли олим ва файласуфлар билан боғлиқ манзилларни кўриш, қадамжоларини зиёрат қилиш, шунингдек, уларга алоқадор кутубхоналар, таълим муассасаларида бўлиш хорижлик сайёҳларда унутилмас таассурот қолдиради. Мисол тариқасида Абдулазизхон мадрасасини келтириш мумкин. XVII асрга тааллуқли ушбу обида ўз даврида Бухородаги энг йирик ўқув муассасаларидан бири бўлган. Бу ерга келувчилар маориф ривожига улкан ҳисса қўшган машҳур олим ва ҳукмдор Абдулазизхоннинг ҳаёти ва илмий фаолияти билан яқиндан танишади.

Шундай манзиллардан яна бири Абу Али ибн Сино кутубхонасидир. У атоқли табиб, олим ва файласуфнинг ҳаёти ҳамда илмий ютуқларига оид қимматли қўлёзма ва китоблар сақланадиган жой бўлиб, бу ерда уларни кўриш, алломанинг тиббиёт ҳамда фалсафага қўшган ҳиссаси ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш мумкин.

Бухородаги энг йирик сайёҳлик манзилларидан яна бири Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасидир. XVI асрга тааллуқли мақбара мутасаввуф ёдгорлик мажмуасида жойлашган. Ушбу меъморий ёдгорликка шайбоний Абдулазизхон асос солган.



Бухородаги эски қалъа ва мудофаа иншоотларини ўрганиш, шунингдек, шаҳар тарихининг турли даврдаги мудофааси ҳақида маълумот олиш нафақат хорижий, балки маҳаллий сайёҳларга ҳам жуда қизиқ. Бу йўналишга Арк қалъаси, Чашмаи Айюб, Бухоро девори, Файзобод қалъаси, Бухоро мудофаа музейини киритиш мумкин.

Бухоро арки шаҳарнинг V асрга оид қадимий қалъасидир. Унда нафақат ҳукмдорлар, балки буюк олимлар, шоиру файласуфлар яшаб, ижод қилган. Шаҳар маданияти энг юксалган ўрта асрларда аркда Рудакий, Фирдавсий, Абу Али ибн Сино, Форобий, Умар Ҳайём каби буюклар яшаган. У шаҳарга ҳайратланарли ва ўзига хос кўриниш тақдим этади.

Зиёрат туризмининг ажралмас қисмига айланган Пойи калон мажмуаси эса XII-XVI асрларда барпо этилган. Мажмуа масжид ва мадрасани ўз ичига олган, ислом меъморчилигининг энг яхши намуналаридан бири.

Ҳозиргача фаолият юритиб келаётган энг қадимги диний мактаблардан бири Мир Араб мадрасасида сайёҳлар мусулмон университетининг очиқ, ҳайратланарли ҳаётини кўриши мумкин.

Бухоронинг ажойиб сайёҳлик имкониятига гувоҳ бўлишни истаган сайёҳ Лаби ҳовуз мажмуасига бориши шарт. У Марказий Осиёдаги ушбу турдаги иншоотлар ичида энг катта ва қадимийси. Ҳозир мадраса ҳовлисида миллий рақс ва либослар намойиши билан машҳур халқ томошаси тез-тез ўтказиб турилади.

Бухорога ҳар йили кўплаб сайёҳлар келади. Масалан, ўтган йили МДҲдан 790,9 минг, Европадан 285,5 минг, Осиёдан 281,8 минг, Америка қитъасидан 24,2 минг меҳмон ташриф буюрган. Уларнинг катта қисми Россия, Қозоғистон, Франция, Туркия, Германия, Италия, Испания, Буюк Британия, АҚШ ва Хитой ҳиссасига тўғри келади.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятга 455,2 минг хорижлик келган. Уларга кўрсатилган хизмат орқали туризм экспорти 113,8 миллион долларга етди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 34,6 фоиз кўп.

Бухорога келаётган маҳаллий сайёҳлар сони ҳам йилдан йилга ўсиб бормоқда. 2022 йилда улар сони 2 миллион 961,1 мингни ташкил этган бўлса, 2023 йилга келиб, бу кўрсаткич 3 миллион 490 мингга етди. Жорий йилнинг айни пайтигача эса Бухорога 1 миллион 439,5 минг юртдошимиз саёҳат қилган.

Кейинги йилларда мамлакатимиз сайёҳлик бўйича халқаро майдонда юқори ўрин эгаллаётир. Масалан, Глобал мусулмон саёҳат индексининг 2024 йил мусулмон туристлар учун дунёдаги энг яхши давлатлар рейтингида Ўзбекистон 14-поғонани эгаллади. Сингапурда жорий йил 30 майда 27 давлатнинг 80 нафардан зиёд вакили иштирокида ташкил этилган “Halal In Travel — Global Summit 2024” умумжаҳон саммитида бу йилги мукофот Бухорога топширилди.

Бухоронинг сайёҳлик имкониятини ошириш доирасида кўплаб чора-тадбирлар кўрилмоқда. Айни пайтга келиб шаҳардаги меҳмонхоналар сони 198 тага, оилавий меҳмон уйлари 268 тага, хостеллар 73 тага етди. Жорий йилда яна 8 та меҳмонхона, 1 та хостел, 16 та оилавий меҳмон уйи очилади.

Бундан ташқари, халқаро брендларнинг фаолият юритиши шаҳарнинг сайёҳлик имижига ижобий таъсир кўрсатяпти. Шу билан бирга, шаҳарга жалб қилинаётган инвестиция ҳажми 2023 йилда 83 миллион долларга етди. Бугунга келиб бу ерда 161 та туроператор фаолият юритмоқда.

Ҳудудда туризм саноати тараққиёти инфратузилма ривожланиши ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда. Натижада Бухорода туризм йўналиши билан машғул киши сони 2022 йилда 8 минг бўлган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 10 мингни ташкил этди. Ўтган йили сайёҳларнинг туристик объектларда бўлиш давомийлиги 3-3,5 кун эди. Жорий йил якунида ушбу кўрсаткич 4 кунга етиши кутилмоқда.

Шу йил 3 июнида ҳудудларда туризм инфратузилмасини яхшилаш ва хорижлик туристлар оқимини кўпайтириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Йиғилишда давлатимиз раҳбари соҳадаги тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказди. Уларнинг туризм хизматларини экспортолди молиялаштиришни йўлга қўйиш, туроператорларга қўшилган қиймат солиғини субсидия сифатида қайтариш муддатини узайтириш, туризм географиясини кенгайтириш, миллий меҳмонхона брендлари яратиш, ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш ва хорижда малакасини ошириш каби кўплаб таклифлари бўйича тегишли кўрсатмалар берди.

Бухоронинг туристик жозибаси ҳамда сайёҳлар сонини ошириш мақсадида ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш ва туризмни ривожлантириш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш учун авиақатновлар кўпайтирилмоқда. Жумладан, жорий йил июнидан бошлаб Тошкент — Бухоро — Тошкент йўналиши бўйича авиақатновлар душанба ва шанба кунлари 3 мартадан, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума ва якшанба кунлари эса 2 мартадан амалга оширилади.

Бу ерда тақдим этилаётган ҳар бир тарихий маршрут сайёҳларга ўтмишга саёҳат билан бир қаторда шаҳарнинг асрлар давомида қай тарзда ривожланиб келганини ҳис қилиш имконини беради. Шунингдек, меҳмонларнинг ушбу қадимий шаҳар ҳақида тўла маълумот олишига ёрдам бериши шубҳасиз.

Боқий қадрият



# Меҳр одамга тиргак



**Комила КАРОМОВА,**
*журналист*

Болалигимда онам тандирдан нон узиб, зерворига солар экан, мени чақирарди. Зерворидаги энг чиройли нонлардан иккитасини танлаб қўлимга берарди-да:

— Тезгина Анийга бериб кел, — дерди.

“Аний” — қўшнимиз, татар аёли. Иссиқ нон тафти қўлларимни куйдирарди, мен эса уни ҳаволантириб-ҳаволантириб, пуф-пуфлаб ён қўшнимизникига чопардим. Ҳар доим шундай бўларди. Онам ҳар нон ёпганда, албатта, тандир бўйидан 2 та нон билан икки қўшнини йўқларди.

Айтишларича, тандир бўйидаги нонга фақат нон ёпадиган аёл ҳақли бўлиб, истаган кишисига бериши, тандир бўйидан дастурхонга олиб келингач эса эрининг рухсати билангина бировга ҳадя қилиши мумкин экан.

Қўшниларимизнинг ҳаммаси серфарзанд одамлар эди. Бирор зарур юмуш билан узоқроқ жойга кетадиган бўлса, ота-онам ҳеч иккиланмай, биз — 5-6 фарзандини ён қўшниникида қолдириб кетаверарди. Ўшандай кезларда кичкина қозончанинг овқати 15-20 кишига бемалол етарди ҳам. Ҳамма қўшнилар гўё ака-ука, опа-сингилдек, бир-бирига тансиқроқ таомни баҳам кўрарди, илинарди.

Бувим “Эргаш тоғанинг онаси”, деб чақирадиган қўшни момо кўчанинг энг четида яшаса ҳам кунора “Онанг кўринмайди”, деб бизникига кириб келаверарди.

Момо бир куни Санжар деган 10-12 ёшли набирасини эргаштириб, “Фалончи кўринмай қолди”, деб маҳалланинг энг чекка кўчасидаги қўшниникига борибди. Пиёда кўп юрганидан Санжарнинг жаҳли чиқиб:

— Нима ишингиз бор, момо, фалончи тоғангиз бўлмаса, жиянингиз бўлмаса? — дебди.

Момо индамабди, кўйлагининг нақ 3 кило қанд-курс сиғадиган кенг енгларидан ширинликларни йўлда учраган болаларга узатиб:

— Онанг яхшими, отанг тузукми, опанг кўпайишдими? — деб бораверибди. Бугун Санжар ака катта олим.

— Момом вафот этганида тобут қўлма-қўл бўлиб кетди. Тумонат одам “онам”, деб йиғлади. Ахир момомнинг ёлғиз қизи онам бўлиб, доим “Тобуткашим — ўғлим йўқ”, деб армон қиларди. Билсам, момом маҳалланинг онаси бўлиб, ҳамманинг юрагидан жой олган экан, — деб хотирлайди у.



Бугун ҳам бир кун кўринмай қолса, хавотир олиб сўрайдиган, яхши-ёмон кунларини бўлишадиган оқибатли қўшнилар кўп.

Қиличбек қўрғонча маҳалласидагилар ўзаро пул йиғиб, ногирон қўшниларига уй қуриб берган бўлса, чармгарликлар худди шундай ҳожатманд инсон қўшниларига сигир совға қилди. Косонлик Насимжон эса 14 та эҳтиёжманд оилага барча жиҳозлари билан уй қуриб берди. “Маҳаллот”да бир эмас, бир нечта оиланинг тўйи савобталаб қўшнилар ёрдамида ўтди.

Баъзан эса ишимиз кўплиги, вақтимиз зиқлиги, “ўзимиздан ортмаётганимиз”ни баҳона қилиб, кўздек қўшнимиз, жондек яқинларимиздан хабар ололмаймиз.

Ён қўшниси Адолат хола Латофатни вақтида кўп суяган эди. Онаси йўқлигини билдирмай, устма-уст туғилган эгизак фарзандларига энагалик қилган, ишидан кеч қайтганида овқатларини пишириб қўйганди. Шу хола ётиб қолди. Латофат “Эрта-индин бирор тансиқроқ таом пиширай, кейин кўришга ўтаман”, деб юрди. Бугун эса тонгда жанозага айтиб кетишди...

Ҳаётимизга “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” кириб келди. Ҳеч қайси мамлакатда йўқ ижтимоий ҳимоя тизими юртимизда шаклланди. Эҳтиёжманд, ҳимояга муҳтож инсонлар давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бир сўз билан айтганда, бирор киши меҳр ва эътибордан четда қолмаяпти. Аммо “Нега у давлатдан ёрдам олади-ю, менга йўқ?” қабилида эътироз билдириб, “ҳақини” талаб қилаётганлар ҳам, минг афсуски, топилади.

Яқинда бир синглимиз нуфузли идорага телефон қилиб, ҳаммага берилаётган ёрдам фақат унга берилмаётганидан шикоят қилибди. Зудлик билан айтилган хонадонга бордик. Кўпчилик ҳавас қиладиган, ҳашаматли уй. Жуда пўрим кийинган аёл бизни кутиб олар экан, мақсадимизни билгач, фиғонидан дуд чиқиб гапира бошлади. Нима эмиш, фалончи ногиронга давлат ҳар ой ёрдам қиларкан, анави боқувчиси йўқ қўшнисидан ҳам ҳамма хабар олар экан, лекин у кун бўйи бозорда савдо қилса-да, унга моддий ёрдам ажратилмабди. “Сиз эҳтиёжманд эмассиз-ку”, десак, “Мен ҳам давлат ажратаётган пулдан қуруқ қолмай-да”, дейди уялмасдан.

Кеча эса дилни хуфтон қилувчи яна бир воқеага гувоҳ бўлдик. “Қўшним “Аёллар дафтарига” кирибди. Уйини бир чиройли таъмирлаб кетишди. Нега мени бу дафтарга киритмайсизлар? Ҳаммани баравар кўринглар-да”, деб овозини баландлатади туппа-тузук ишда ишлаб, яхшигина даромад топаётган аёл.

Иккинчи гуруҳ ногирони Улуғмурод акани йўқлаб, совға-салом кўтариб бордик. Отахон ўзи эккан картошка ҳосилини кўриб, хурсанд бўлиб турган экан. Йўқловимиздан боши осмонга етди. Қайта-қайта раҳмат айтар экан, секингина:

— Болам, шу совғани қўшнига олиб ўтайлик. Яқинда оила бошлиғи вафот этди. Ёш гўдаги бор... Юринг, болам, — деб йўл бошлади.

Улуғмурод акадаги бу одамгарчилик ҳаммамизни тўлқинлантирди.

Ана шундай пайтда биз ҳам бир-биримизга ҳурмат, эътибор кўрсатсак, одамийликнинг энг юксак намунасини қадрлаган бўлардик. Чунки одамнинг дардини одам олади. Ҳеч ким дўст тафтисиз яшолмайди.

Инсон учун қўшнидан яқини йўқ. Шу боис, “Ҳовли олма, қўшни ол”, “Гиламингни қўшнингга сотсанг, бир четида ўзинг ўтирасан” каби мақоллар айтилган. Қўлимиздан келганча бир-биримизга ёрдам берсак, меҳр-муҳаббат, марҳамат кўрсатсак, ўзимиз ҳам иззат кўрамиз. Шундай эмасми?!

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 2067.
44065 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Бекқул Эгамқулов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 01:40 Топширилди — 02:20